

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг
психологик-педагогик диагностикаси**

Ўқув модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Мазкур ўқув услубий мажмуа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассаларининг мактабгача таълим, бошланғич таълим, филология ва психология таълим йўналишларини битирган мутахассислар **дефектология(логопедия)** касбий қайта тайёрлаш 5 ойлик курсининг Намунавий ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўқув услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

Tuzuvchi: - **U.A.Qosimov**- psixologiya fanlari nomzodi, dotsent

Taqrizchi: - **Т.Х.Олимов - п.ф.д.(Phd)**

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	11
III. Назарий машғулот материаллари.....	17
IV. Кейслар банки.....	55
V. Мустақил таълим мавзулари.....	66
VI. Глоссарий.....	68
VII. Адабиётлар рўйхати.....	74

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда -муҳим ўрин тутди.

Мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш, мактабга тайёрлаш масалалари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири деб қаралмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бунда мактабгача таълим тизими учун юқори малакали тарбиячи ва мураббий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришда фақатгина унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашгина эмас, балки мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш, замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш назарда тутилган.

Педагогик кадрларни тайёрлаш тизими, хусусан дефектология соҳаси ҳам бундан истисно эмас. Ҳар бир болани унинг ривожланишда нуқсонлар кузатилган тақдирда мактабгача ёшдан оқ таълим шаклини тўғри танлаш, яқка таъсир воситаларини аниқлаш учун чуқур психологик-педагогик ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, ҳозирги замон махсус педагогика ва психологиясида болаларнинг ривожланишидаги бузилишларни, нуқсонларни эрта аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг зарурлиги ҳақидаги фикрлар таъкидланмоқда. Бунда алоҳида аҳамият мактабгача таълим муассасалари дефектологлари, логопедлари бу тоифадаги болалар билан ишлашга тайёрлаш, уларда таълим жараёнида юзага келадиган ва келиши мумкин бўлган қийинчиликларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур бўлган психологик-педагогик ёрдамни кўрсатиш ишларини билишлари муҳимдир.

Болаларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларга мақбул бўлган таълим турини танлаш, ота-оналарга маслаҳатлар бериш ишларини мақсадга йўналтирилган ва малакали равишда олиб бориш зарур. Шуларга боғлиқ равишда психик ва жисмоний ривожланишида, хусусан нутқида камчилиги бўлган болаларни дифференциал психологик-педагогик ташхис қилиш кўп жиҳатдан дефектолог – кадрларни, логопедларни сифатли қилиб тайёрлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Шунга боғлиқ равишда касбий қайта тайёрлаш ўқув режасига “Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси” фани киритилган. Бу фан ўзида ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни психологик-педагогик ўрганиш масалаларини қамраб олган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: тингловчиларни болалар ривожланишидаги нуқсонларни, бузилишларини психологик-педагогик томондан ўрганишнинг методологияси ва амалиёти билан таништиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларни болалар ривожланишидаги нуқсонларни, бузилишларнинг психодиагностикаси масалалари бўйича назарий тайёргарлик билан таъминлаш; тингловчиларда болалар ривожланишидаги нуқсонларни ўз вақтида аниқлашнинг амалий малакаларини шакллантириш; болаларда мавжуд бўлган нуқсонларни эътиборга олган ҳолда уларни психологик ва педагогик ўрганиш, текшириш малакаларини шакллантириш; мактабгача таълим муассасаларини комплекшлаш масалалари бўйича меъёрий ва амалий материалларни ўрганишни таъминлаш.

Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- психодиагностик жараённинг назарий-методологик асослари, ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўрганишни ташкил этиш ва методик таъминлашга замонавий ёндошишлар, асосий психодиагностик методикалар ва таҳлил қилиш йўллари, ривожланишида нуқсони бўлган болаларда психик жараёнларнинг ривожланишини ташхис қилиш, махсус таълим муассасаларига болаларни саралаш тизимини *билиши*;

- болалар ривожланишидаги нуқсонларни аниқлай олиш, турли нуқсонга эга бўлган болаларни психологик-педагогик ўрганишни, текширишни ўтказиш, психологик-педагогик ташхис асосида коррекцион иш йўллари аниқлаш, таълимнинг ташкилий формалари масаласини малакали ҳал қилиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим*.

- тиббий ва педагогик ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида болаларни текшириш режасини тузиш, текшириш методларини танлаш, болалар билан алоқага киришиш, тиббий-психологик-педагогик комиссия ишини ташкил

этиш, болаларни психологик-педагогик, логопедик жиҳатдан текшириш ва хулоса чиқариш *малакаларига эга бўлиши лозим.*

- мактабгача таълимнинг кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиш;

- таълим-тарбия жараёнларига миллий манфаат нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида хулосалар чиқара олиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда ривожланишида нуқсони бўлган болаларни педагогик-психологик ўрганишнинг назарий-методологик асослари, тиббий-психологик-педагогик комиссия ишининг фаолияти ва мазмуни, комиссияни ташкил этиш йўллари, болаларни психологик-педагогик ташхис қилиш методлари билан таништиришдан иборат.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, “Ақлий ҳужум”, “Давра суҳбати” ёки “ФСМУ” каби методлари билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа блоклар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модуль мазмуни ўқув режадаги “Махсус педагогика”, “Махсус психология”, “Болалар ривожланишидаги нуқсонларнинг клиник асослари” модуллари билан узвий боғланган ҳолда логопедларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модуль ўқув режасида режалаштирилган махсус педагогика, махсус психология, болалар ривожланишидаги нуқсонларнинг клиник асослари, логопсихология фанларидан кейин ўрганилади ва мазкур фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Унда кейин ўрганиладиган фанларнинг мазмун йўналишларни ва ғоявий жиҳатларини мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятларни очиб беради.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларга нутқида камчилиги бўлган болани тарбиялаш, ўқитиш ва ижтимоий мослашувининг самарали бўлиши унинг имкониятларини ва ривожланиш хусусиятларини тўғри баҳолашга боғлиқ бўлади. Бу вазифани ривожланишдаги нуқсонларни комплекс психолого-педагогик ташхис қилиш амалга оширади. Ривожланишдаги нуқсонларни психолого-педагогик ташхис қилиш боланинг ўзига хос хусусиятларини, унга мос бўлган таълим ёъналишини, коррекциялаш, компенсациялаш ёълларини аниқлашга имкон

беради.

Шунинг учун ушбу фан мутахассислик бўйича тайёргарлик фани ҳисобланиб, ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаш тизимининг ажралмас бўғинидир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

1.1. Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси

№	Фан мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юқламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	қўчма машғулот	
1.	Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни психолого-педагогик ташҳис қилишнинг назарий-методологик тамойиллари	4	4	2	2		
2.	Илк ва мактабгача ёшдаги болаларни психологик-педагогик ўрганиш	16	12	4	4	4	4
3.	Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни логопедик текшириш	8	6	2	4		2
Жами		28	22	8	10	4	6

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни психолого-педагогик ташҳис қилишнинг назарий-методологик тамойиллари (2 соат маъруза)

Болаларнинг ривожланишидаги нуқсонлар ҳақидаги замонавий тасаввурлар. Болаларнинг ривожланишидаги нуқсонларини психологик-педагогик ташҳис қилишнинг методологик тамойиллари. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни психолого-педагогик ташҳис қилиш вазифалари.

Психик ва жисмоний нуқсонлари бўлган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасаларини тўғри комплектлашнинг ижтимоий, ахлоқий ва иқтисодий аҳамияти. Психик ва жисмоний нуқсонга эга бўлган болаларни махсус муассасаларга қамраб олиш. Инклюзив таълимга жалб қилиш. Комплекс текшириш тамойили. Ҳар томонлама ва яхлитлик тамойили, динамик текшириш тамойили, болани ўрганишда индивидуал ёндашиш тамойили, бажарилаётган топшириқларни баҳолашда сифат-сонли ёндошиш тамойили, боланинг потенциал имкониятларини аниқлаш ва

эътиборга олиш тамойили, тизимли ёндошув тамойили, эрта ташхис қилиш тамойили.

2-мавзу: Илк ва мактабгача ёшдаги ривожланишида нуқсони бўлган болаларни педагогик-психологик ўрганиш (4 соат маъруза)

Ўздаклик даврида психологик-педагогик ўрганиш. Ривожланиш хусусиятлари. Ўздаклик даврида болаларни психологик-педагогик ўрганиш.

Илк ёшдаги (1-3 ёш) болаларни психологик-педагогик ўрганиш. Ривожланиш хусусиятлари. Илк ёшдаги (1-3 ёш) даврида болаларни психологик-педагогик ўрганиш.

Мактабгача ёшдаги ривожланишида нуқсони бўлган болаларни психологик-педагогик ўрганиш (3-7 ёшгача).

3-мавзу: Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни логопедик текшириш (2 соат маъруза)

Илк ва мактабгача ёшдаги болаларни оғзаки нутқни текшириш. Боғланган нутқини баҳолаш мезонлари. Сўз бойлигини баҳолашнинг мезонлари. Нутқнинг грамматик тузилишини баҳолаш мезонлари. Нутқнинг ривожланмай қолганлигидаги грамматик хатолар. Нутқи ривожланмаган болаларда сўзнинг бўғин тузилишидаги хатоликлари. Дудуқланувчи болалар нутқини текшириш. Дизартрик болалар нутқини текшириш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Фанга оид ўрганилган материаллар асосида “Нутқда нуқсони бўлган болаларни психологик-педагогик ва логопедик текшириш” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маъруза машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (эрта психологик-педагогик ташхис, ёрдам хизмати муаммолари);
- баҳс ва мунозаралар (болалар ривожланишидаги нуқсонларни педагогик-психологик ташхис қилиш муаммолари бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Машгулотда жараёнида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум» методи

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича тингловчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Тингловчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Тингловчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.


“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Тингловчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
 2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
 3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.
- Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.

“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси




“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Тингловчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Тингловчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Тингловчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан Тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган тингловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса тингловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Давра столининг тузилмаси




Белгилар:

1-тингловчилар

2-айлана стол

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир тингловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги тингловчига узатади. Конвертни олган тингловчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги тингловчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади.



Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган.

“Давра суҳбати” методининг тузилмаси

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир тингловчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча тингловчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Тингловчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Тингловчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда тингловчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги Низом”.

Топшириқ: Мазкур Низомга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни психолого-педагогик ташхис қилишнинг назарий-методологик тамойиллари
(2 соат)

Режа

1.1 Болалар ривожланишидаги нуқсонлар ҳақида замонавий тасаввурлар

1.2 Болаларнинг ривожланишидаг/и нуқсонларини психологик-педагогик ташхис қилишнинг методологик тамойиллари.

1.3 Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни психолого-педагогик ташхис қилиш вазифалари

Таянч иборалар: скрининг ташхис, ривожланишдаги нуқсонларни дифференциал ташхис қилиш, феноменологик, комплекс ўрганиш, эрта ташхис.

1.1. Болалар ривожланишидаги нуқсонлар ҳақида замонавий тасаввурлар

Замонавий махсус психология психикани келиб чиқишининг ижтимоий тарихий томонига асосланади. Унинг ривожланишига бола психикасини маданий-тарихий тажрибага таяниб ҳаёт давомида шаклланиши ҳақидаги рус психологи Л.С.Виготский фикрлари катта таъсир кўрсатган.

Л.С.Виготскийнинг кўрсатишича олий психик функциялар тарихий ривожланиш маҳсули бўлиб мураккаб тузилишга эга. Ушбу хусусият ижтимоий характерга эга бўлиб, у инсондаги фақатгина олий психий функцияларнигина эмас, балки элементар психик жараёнларни, яъни фонематик эшитув, овозларни эшитувларни ва хоказоларни ўз ичига олади. Психик фаолиятнинг мураккаб шакллари юзага келишига олиб келадиган ижтимоий тажрибани тайёр мазмунни ўзлаштириб олиш жараёни сифатида қараш мумкин эмас. Бола томонидан ижтимоий тажрибани ўзлаштириш билим, кўникма, маданий малакаларни эгаллаб олишдангина иборат бўлмай, шунингдек ўзига боланинг шахси, эҳтиёжлари, мотивларини шакллантиришни киритадиган чуқур, мураккаб жараёндир. Ижтимоий тажрибани эгаллаш боланинг фаол фаолиятида, яъни– предметли, ўқув, мулоқот ва ўйин жараёнларида амалга оширилади. Илк ривожланиш давриларидаёқ болаларни катталар билан ўзаро мулоқатга киришишида олий психик функцияларининг шаклланиши муҳим ўрин эгаллайди. Психик функцияларнинг ривожланиши бир нечта босқичлардан ўтади, ва шундан кейингина улар мураккаб психик жараёнга айланади. Психик фаолиятнинг барча мураккаб шакллари (ихтиёрий диққат, мантикий хотира, мавхум тафаккур ва ҳ.к.) билвосита тузилишга эга бўлиб, унда нутқ бош ролда келади. Предмет ва ходисалар мавжуд эмас вақтда ҳам уларни ўрнини сўз эгаллайди ва ҳар қандай психологик жарённи кечишини ифодалаб, унинг тузилишини бир қисми бўлиб қолади. Нутқ олий психик функцияларнинг тузилиши ва амалга оширишини янги, яна ҳам юқори даражага кўтаради. Олий психик функцияларни шаклланишининг муҳим томони - символик (рамзий) рамзий фаолиятнинг ташкил топиши, сўз белгиларни эгаллашдир.

Даставвал белги ташқи, ёрдамчи омил сифатида қатнашади. Л.С.Виготский таъкидлашича, ҳар бир психик функция ўз ривожланишида икки босқични босиб ўтади: биринчи “интерпсихологик” босқичда, функция инсонлар ўртасида муносабат ўрнатувчи, иккинчи босқичда-ички, интрапсихологик, жараён сифатида намоён бўлади.

Олий психик функциялар йиллар давомида шаклланади. У нутқий мулоқот билан туғилиб, фаолиятнинг тўлиқ рамзи (символик фаолият) билан тугалланади. Боланинг психик ривожланиши ва шахсини шаклланиши таълим ва тарбия жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Шундай қилиб, олий психик функциялар психологияда мураккаб жараён сифатида кўрилади. Олий психик функцияларни шаклланишида нутқ ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Психофизиологик механизмларни тушунтириш учун П.К.Анохиннинг функционал тизимлар ҳақидаги концепцияси қўлланилади. А.Р. Луриянинг кўрсатишича, функционал тизим болани туғилиш даврида тайёр ҳолда бўлмасдан, балки унинг психик функциялари предметлар ҳамда материаллар билан ўзаро муносабатга киришганида шаклланиб боради.

Функционал тизим - бу бир вазифани бажариш учун бир қанча анатомик ҳамда физиологик тузилмаларни бирлаштирадиган динамик тузилма бўлиб, турли нерв системаларида жойлашган. Психологлар (А.Р.Лурия, А.Н.Леонтьев) доимий равишда олий психик функцияларнинг физиологик негизи марказий нерв системаси ёки унинг алоҳида қисмлари бўлиб қолмасдан, балки миё қобиғидаги функционал системанинг биргаликда ишлаши деб таъкидлаганлар. Бола ҳаёт фаолияти жараёнида ушбу функционал системанинг шаклланиши, секин-асталик билан мураккаб характерга эга бўлиб, функционал боғлиқлик мустахкамланади. Ушбу илмий низом инсон психикасини ривожланиши ҳақидаги тасаввурларни ўзгартирди. Физиолог ва психологларнинг тадқиқотларидан кўришимиз мумкинки, алоҳида функциялар системасининг етилганлиги маълум бир ривожланиш даврида бир хил эмас: баъзи системалар шаклланиб бўлган, баъзилари эса энди шаклланади. Шунга кўра, функцияларнинг ривожланиш тизими бир хил эмас экан, деб хулосалаш мумкин. Ҳар бир функционал система, хатто алоҳида зоналари ўзининг ривожланиш дастурига эга, лекин улар бир бутунликда иш олиб боришади. Ҳар бир ёш даврда маълум бир функционал система етуклик даражасида бўлиши керак, акс ҳолда ушбу системалар фаолияти ўзаро алоқадорликда амалга оширила олмайди (Л.О.Бадалян). Шундай қилиб, психик жараёнлар ва шахс хусусиятлари бош миёнинг алоҳида қисм ёки зоналарида етуклик натижаси ҳисобланмайди. Улар онтогенезда тўпланади ҳамда боланинг ижтимоий ривожланиш вазиятига боғлиқ бўлади.

Л.С.Виготский ўзидан олдингиларни (Г.Я.Трошин, А.С.Грибоедов, Э.Сеген, М.Монтессори ва бошқалар) ишларини умумлаштирди ҳамда аномал ривожланиш концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу концепциянинг асосига психологик ривожланишнинг маданий-тарихий назарияси киради, буни Л.С.Виготский ривожланишнинг нормал хусусиятларини ўрганиб ишлаб чиққан. Л.С.Виготскийнинг аномал ривожланиш концепциясининг

асосий белгилари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар XX асрнинг 50-90 йиллардаги Т.А.Власова, Ж.И.Шиф, В.И.Лубовский, В.В.Лебединский, Е.М.Мастюкова ва бошқа олимларнинг ишларида ўз ривожини топган.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар (ривожланишида психик-жисмоний камчиликка эга, ривожланишдан орқада қолиш, ривожланишида муаммога эга, алоҳида ёрдамга мухтож) - сенсор органларнинг орттирилган ёки туғма органик жароҳатланиши натижасида марказий нерв системаси ёки ҳаракат-таянч аппарати ва психик функцияларнинг меёрида ривожланишида камчиликларга эга бўлган болалар киради. Баъзи ҳолларда ривожланишдаги камчиликлар марказий нерв системаси ёки анализаторлардаги нуқсонлар билан боғлиқ бўлмасдан, микроижтимоий муҳит сабаблари натижасида келиб чиқади. Буларга оиладаги тарбия салбий шакллари, ижтимоий ва ҳиссий депривацияни киритишимиз мумкин.

Г.Я.Трошин меёрида ва аномал ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фикрни илгари сурган, буни эса кўпгина тадқиқотчиларнинг (Т.А.Власова, Ж.И.Шиф, В.И.Лубовский) кейинги ишларида ҳам кўришимиз мумкин. Л.С.Виготский меёрида ва аномал ривожланишнинг умумий қонуниятларини изоҳлаб, улар учун психик ривожланишнинг ижтимоий характердалиги умумийдир: педагогик таъсир меёрида ҳам шунингдек ривожланишнинг бузилишида ҳам олий психик функцияларнинг шаклланиш манбаи ҳисобланади, деб таъкидлаган. Аммо, меёрида ривожланаётган болаларда кузатилмайдиган, лекин ривожланишида нуқсони бўлган болаларда учрайдиган бир қатор қонуниятлар ҳам ажратилади. Т.А.Власова, В.И.Лубовский ишларида аномал ривожланувчиларнинг умумий қонуниятлари бир тизимга келтирилган.

Л.С.Виготский нуқсонларни тузилишини системалилиги ҳақидаги фикрлари унга аномал ривожланишини кўра икки гуруҳга ажратиш имконини берган. Бу касалликнинг биологик характериға кўра келиб чиқадиган **бирламчи нуқсон**, боланинг ижтимоий ривожланишида, унинг атроф-олам ўзаро муносабатларида юзага келадиган **иккиламчи нуқсондир**.

Аномал ривожланиш бирламчи нуқсоннинг келиб чиқиш вақти ва уни ифодаланишининг қай даражада оғирлиги билан аниқланади. Иккиламчи нуқсонларнинг шаклланиш механизми турли хил бўлиши мумкин, аммо унда доимо ижтимоий омиллар муҳим рол ўйнайди. Кўрув, эшитув органларининг ёки бош миянинг у ёки бу тузилмаларидаги жароҳатлар натижасида келиб чиқадиган нуқсонлар характери, чуқурлиги бўйича турли тоифадаги ривожланишида нуқсони бўлган болаларда турлича бўлади. Бироқ ушбу ҳолатларнинг умумий томони шундаки, уларнинг барчаси болани кейинги ривожланишиға ўз таъсирини кўрсатиб боради.

Психодиагностик ва психолого-педагогик коорекцион таъсирнинг объекти бўлиб асосан иккиламчи нуқсонлар ҳисобланади. Бир қанча етакчи мутахассисларнинг ишларида кўрсатилишича, болалардаги бирламчи нуқсонлар ақлий қобилятнинг бузилишиға, умумий ва майда моторикадаги

камчиликларга, атроф-муҳит билан ўзаро алоқада бўлишдаги қийинчиликларга, коммуникатив мулоқот воситаларини ўзгаришига, сўзлашув нутқининг етарлича бўлмаслигига, атроф -муҳитни идрок этишни қийинлаштиришига, ижтимоий тажрибани камбағаллашувига олиб келиши мумкин экан. Нуқсонларнинг ўзаро таъсири ижтимоий муҳит билан ижтимоий мослашувда қийинчиликлар туғдиришини Л.С.Виготский ҳам таъкидлаган.

Ж.И.Шифнинг кўрсатишича, аномал ривожланишнинг яна бир қонунияти бола шахсининг ривожланишидаги ўзгаришлардир. Кайфиятнинг йўқлиги, ижтимоий мулоқотга ваҳима, кўрқув билан киришув, ўз-ўзига паст баҳо бериши, хавотирда бўлиш кабилар ушбу шахснинг асосий сифатлари ҳисобланади. Бундай бузилишлар оиладаги нотўғри тарбия ҳамда таълимнинг нотўғри ташкил этилиши оқибатида келиб чиқади. Алоқа қобилиятидаги ўзгаришлар болалар сўзлашув нутқини бузади натижада новербал алоқа воситаларининг роли кўпайиб боради. Маълумотларни қабул этиш ва уларни қайта ишлаш қобилиятидаги камчиликлар В.И.Лубовский таъкидлашича, қабул этилаётган маълумотлар ҳажм ва тезлигини сусайтиради, маълумотларни сақлаш ва улардан фойдаланишга имкон бермайди. Аномал ривожланишнинг яна бир қонуниятларидан бири-нутқий фаолиятнинг бузилишидир, бу сўзлашувни бавосита ифодамай олмаслигида намоён бўлади.

Маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлай олмаслик, мулоқотдаги қийинчиликлар, материалларни эслаб қола олмаслик ривожланишнинг фикрлаш, умумлаштириш ва фарқлаш кабиларни шаклланишида тўсқинлик қилади. Ушбу тасаввур ва нутқдаги камчиликларнинг барчаси атроф - муҳитни идрок этиш, тасаввуридаги билимларини сақлаш кабиларнинг шаклланиши ушбу муаммоли болаларда доимо етарлича эмасдир. Бироқ ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг муҳитга мослаштириш ва ўқитиш қийинчиликларидан иборат ўзига хос хусусиятлари билан биргаликда, ижобий қонуниятлар ҳам мавжуд. Улардан бири Л.С.Виготский томонидан ривожланишнинг яқин зонаси кўринишида нуқсонли болаларда психикасини шакллантиришнинг потенциал имкониятлар сифатида мавжудлиги қайд этилган.

Яна бир қонуният В.И.Лубовский томонидан болалар ҳаракатларини сўз орқали бошқаришни ўрганиш давомида ифода қилинган. У нутқ иштирокисиз ёки қисман сўз билан ифодаловчи янги шартли боғлиқларни ишлаб чиқиш имкониятини кўрсатган. Шундай қилиб, нуқсонли ривожланиш психиканинг шаклланишида орқада қолишни ҳам ва бузилишни компенсация қилиш қонуниятларга эга.

Умумий қонуниятлардан ташқари ўзига хос қонуниятлар ҳам мавжуд, улар ривожланишида нуқсони бўлган баъзи болаларга хосдир. Ушбу ўзига хос қонуниятлар бизга дифференциал диагностик мезонлар орқали ривожланишида нуқсони бўлган болалар тоифаларини чегаралаш мумкин. Бироқ, В.И.Лубовский ўзига хос қонуниятлар умумийга нисбатан кам

ўрнатилганини эътироф этган. Бу бизга ривожланишида нуқсони бўлган болаларни дифференциал ташхис қилиш мураккаблигини асослайди.

Ҳозирги пайтда ривожланишида нуқсони бўлган болалар бир қанча категорияларга ажратилган:

- эшитишда нуқсони бўлган (қар ва заиф эшитувчилар);
- кўришда нуқсони бўлган (кўр ва заиф кўрувчилар);
- ҳаракат-таянч аъзоларида нуқсони бўлган;
- оғир нутқ нуқсонларига эга бўлган болалар;
- психик ривожланиши орқада қолганлар;
- ақли заифлар;
- ҳиссий-ирода доирасида оғир нуқсонларга эга бўлган болалар;
- хулқ бузилишларига эга бўлган болалар;
- ривожланишда мураккаб нуқсонлилар, уларда иккита ёки ундан кўп бирламчи нуқсонлар кузатилади.

Ҳар бир категориядаги болалар психолого-педагогик ўзига хос хусусиятларга эга, уларни психолого-педагогик ўрганишда стратегияларни аниқлаш зарур. Шундай қилиб, бирламчи ва иккиламчи нуқсонлар натижасида аномал ривожланишнинг шаклланиши мураккаб суръатга эга ва у ҳар бир бола учун бир томондан индивидуал, иккинчи томондан унга ўхшаш нуқсонлар билан характерланади. Ушбу ўзига хослик ривожланиш нуқсонининг ҳар бир типига таълуқли бўлиб, болалардаги психофизик хусусиятларини инобатга олиб, махсус таълим шароитларини аниқлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ривожланишида нуқсони бўлганларнинг замонавий психодиагностикаси назарий методологик тизимлар асосида тузилади ва улар қуйдагилар ҳисобланади.

Ривожланиш нуқсонларининг ҳар бир тури ўзига хос психологик тузилмага эга. Бу тузилма бирламчи ва иккиламчи нуқсонларни ўзаро боғлиқлиги асосида аниқланади.

Ривожланишида нуқсони бўлганларнинг ҳар бир турида ўзига хос нуқсонлар даражасининг намоён бўлиши кузатилади. Ривожланишдаги нуқсонларни диагностика қилиш умумий ва ўзига хос қонуниятлар асосида тузилади.

Ривожланишида нуқсони бўлганларни диагностика қилишда уларнинг умумий хусиятларгагина таянмасдан, балки боладаги ижобий хусусиятлари ва потенциал имконияларига таяниш зарур. Ривожланишида нуқсони бўлганларни диагностика қилиш натижалари психологик-педагогик диагноз орқали ўрнатилади, у ривожланиш нуқсонининг тури билан чегараланиб қолмайди. У бола ривожланишининг индивидуал психофизик хусусиятлари, шунингдек индивидуал коррекцион иш дастурларга тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Психолого-педагогик ташхис нуқсонинг ифодаланиш даражасини мураккаблаштирувчи етакчи нуқсонларни ривожланишини аниқлаб, уларга керакли коррекцион педагогик ишга диққатни қаратади. Агар текширув

болани мактабга боришидан олдин ўтказилса, унда боланинг қайси мактабга махсус коррекцион ёки умумтаълим мактабига тайёргарлиги аниқланади.

Психодиагностика бола ривожланишининг нуқсонларни ва унинг ўзига хос психолого-педагогик хусусиятларини аниқлайди. Боладаги ушбу хусусиятларни билиш боланинг имкониятларига мос мактабгача ва мактаб таълим дастурини, таъли муассасининг турини, индивидуал тиббий психолого-педагогик дастурни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

1.2 Болаларнинг ривожланишидаги нуқсонларини психологик-педагогик ташхис қилишнинг методологик тамойиллари

Ривожланишида нуқсони бўлган болаларга самарали таълим, тарбия бериш, ижтимоий мослашувини яратиш учун унинг ривожланиш имконият ва хусусиятларини тўғри баҳолай олишга боғлиқдир. Бу вазифани ривожланиш нуқсонларини комплекс психолого-педагогик диагностика қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Психолого-педагогик диагностика ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг камчиликларини аниқлаш, боланинг психик-жисмоний хусусиятларини эътиборга олган ҳолда унга индивидуал психолого-педагогик ёндашувни таъминлайди.

Ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун махсус мактабгача ва мактаб таълим муассасалари фаолият кўрсатади. Ушбу болаларни психик ва жисмоний ривожланишини таъминловчи таълим шароитлари яратилган. Бундай шароитлар аввало ҳар бир боланинг хусусиятлари эътиборга олган ҳолда яқка ёндашувни талаб этади. Ушбу ёндашув махсус дастур, метод, керакли махсус техник воситаларни, махсус тайёргарликка эга педагог, психолог, дефектолог ва бошқалар билан биргаликда керакли тиббий - профилактик ҳамда даволов тадбирларини, махсус ижтимоий ёрдамни, махсус таълим муассасаларини техник ва илмий-методик жиҳатдан таъминлашни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда турли хил махсус таълим муассасалари мавжуд. Болалар пухта саралаш натижасида қабул қилиниши мўлжалланган ва Ўзбекистон республикаси халқ таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус таълим дастурларини амалга оширадиган махсус таълим муассасалар билан бир қаторда турли реабилитация марказлари, ривожлантириш марказлари, аралаш гуруҳлар ва ҳ.к.лар очилган.

Шунингдек, умумтаълим мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларда психик ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларни учратиш мумкин. Ушбу нуқсонларнинг кўриниши турлича бўлиши мумкин. Сон жиҳатдан йирик бўлган гуруҳни ҳаракатланиш, сенсор ёки интеллектуал соҳаларда нуқсонлари аниқ ифодаланмаган: эшитишда, кўришда, фазовий-идроқ тассавурларида, ҳаракат-таянч аппаратида, фонематик идрокида нуқсони бўлган, ҳиссий-иродавий бузилишли, нутқий ривожланишида камчиликларга эга, хулқ бузилишларига эга, психик ривожланиши орқада қолган, соматик суст болалар ташкил этади. Яққол ифодаланган психик ёки жисмоний ривожланишдаги нуқсонлар мактабгача ёшда аниқланса, енгил нуқсонлар узоқ вақт мобайнида эътиборсиз қолади. Ривожланишдаги нуқсонларни ташхис қилиш уч босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич - скрининг номини олган. Ушбу босқичда бола ривожланишидаги орқада қолиш, психик -жисмоний камчиликлари аниқланади, лекин уларнинг характери ва чуқурлиги белгилаш мураккаб бўлади.

Иккинчи босқич – ривожланишдаги нуқсонларни дифференциал ташхис қилиш. Ушбу босқичнинг мақсади ривожланиш нуқсонини турини (хил, тоифасини) аниқлаш. Унинг натижаларига кўра боланинг имконият ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг таълим олишлари учун таълим муассасасини тури ва дастури, оптимал педагогик йўлланмаси аниқланади. Психолого-тиббий-педагогик комиссиянинг фаолияти дифференциал диагностикада етакчи ролни эгаллайди.

Учинчи босқич – феноменологик. Унинг мақсади – боланинг индивидуал хусусиятлари, яъни тафаккур фаолиятининг характеристикаси, ҳиссий-ирода доираси, ишчанлик қобилияти, шахси ўрганилиб у билан ишлаш бўйича коррекцион-ривожлантирувчи индивидуал шарт-шароитни ташкиллаштиришдир.

Ривожланишда нуқсони бўлган психолого-педагогик диагностикани самарали амалга ошириш учун “Ривожланишдаги нуқсон” тушунчасига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ривожланишида нуқсони бўлганларни ташхис қилишда рус олимлари (Л.С.Виготский, В.И.Лубовский, С.Д.Забрамная) томонидан кўрсатилган бир қанча тамойилларга амал қилиш муҳим.

Ривожланишида нуқсони бўлганларни ташхис қилишнинг асосий тамойилларидан бири бу – комплекс ёндашув бўлиб унда болани ривожланиш хусусиятларини барча керакли мутахассислар томонидан (врач, дефектолог, психолог) унинг фақатгина билим олиш фаолиятинигина эмас, балки ҳулки, ҳиссий иродаси, шунингдек кўрув, эшитув, ҳаракат доираси, неврологик статуси, соматик ҳолатини ҳар томонлама текшириб баҳолашдир. Болани тиббий ҳамда психолого- педагогик текширишлар тизимлилик асосида олиб борилади.

Тиббий текширув врачлар (педиатр ёки терапевт, невропатолог, болалар психиатри, офталмолог, отоларинголог, зарур ҳолларда аудиолог) томонидан ўтказилади. Болани психолого-педагогик ўрганиш педагог-дефектолог ва психолог томонидан амалга оширилади.

ТППКлар (тиббий-психологик-педагогик комиссия) махсус (коррекцион) муассасаларни комплекшлаш масаласини ҳал этишади, ҳамда зарур бўлганда маслаҳат-ташхис ва коррекцион ёрдам кўрсатади. ТППКга ёрдам сўраб алоҳида таълим ва тиббий идоралар ҳам, ота-она, педагог, ўсмирлар ўзининг ташаббуси билан ҳам мурожаат қилишга ҳақлидир. Ўз фаолиятида ТППК дефектология соҳасида ишлаб чиқилган тамойилларга амал қилади. Асосий тамойиллардан бири - бу ҳар бир болага ўз имкониятларини максимал даражада ривожлантириш учун ўз вақтида керакли шароитларни ташкил этишдан иборат бўлган **инсонпарварлик тамойилидир**. Бу тамойил болани чуқур ва диққат билан ўрганиш, йўлида учрайдиган қийинчиликларни бартараф этишни талаб этади. Агар умутаълим

мактаб шароитида кўрсатилган барча керакли ва мавжуд бўлган чоралар ижобий натижалар бермаса, болани махсус муассасага ўтказиш масаласи қўйилади ва бунга ота-оналарнинг розилиги керак бўлади.

Бажарилиши шарт бўлган тамойил – бу болаларни **комплекс ўрганиш тамойилидир**.

Бу тамойил муҳокама пайтида барча мутахассислар: врачлар, дефектологлар, психологлар томонидан текшириш натижасида олинган маълумотларни эътиборга олишни шарт деб белгилайди. Агар мутахассисларнинг фикри турлича бўлса, болани яна бир бор текшириш белгиланади. Энг муҳим масалаларни ҳал этишда боланинг манфаатлари биринчи ўринда туриш зарур. Таъкидлаш жоизки, болани ўрганишда кўрсатилган тамойилга амал қилиш унинг ҳолатини комиссиядан олдин аниқроқ билиб олиш, ривожланишидаги нуқсонлар сабабларини аниқлаб олиш имконини беради. Мисол учун, педагог биринчи бўлиб кучайиб бораётган паришонлик, чарчашлик, йиғлоқилик аломатларига эътиборини қаратади. Врач эса ўз навбатида бу ўзгаришларнинг сабабларини аниқлашга ёрдам беради ва уларни бартараф этиш учун керакли тавсиялар беради.

Ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиш тамойили ҳам катта аҳамиятга эга. Бу тамойиллар боланинг билиш фаолияти, ҳиссий-идоровий доираси ва хулқини текширишни назарда тутди. Шунингдек, болаларнинг ақлий қобилиятларнинг шаклланишига таъсир этадиган жисмоний ривожланиши ҳам эътиборга олинади. Тўлиқ ўрганиш деганда боланинг психик ривожланиши алоҳида олинган қобилиятларни ривожланишининг йиғиндиси эмаслигини, шунинг учун бола ҳақида унинг идроки, хотираси ёки психик функцияларнинг ҳолатини текшириш асосидагина хулоса чиқариб бўлмаслигини эсда тутиш лозимлигини тушунамиз. Болани ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиш агарда у боланинг фаолияти жараёнида: ўқиш, меҳнат ёки ўйин фаолиятларида амалга оширилса, муваффиқиятли бўлиши мумкин. Болани ўрганиш, текширишда фойдаланиладиган методлар ҳам, материаллар ҳам уларнинг ёш ва характерологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда максимал даражада индивидуаллаштирилиши лозим. Комиссия аъзолари бола билан алоқа ўрнатишлари лозим. Бу боланинг шахси сифатларини: кизиқишларини, иродавий ҳаракатларининг ҳолати ҳаракатларидаги мақсадга йўналганлик, асосий психик жараёнларнинг ўтиши хусусиятларини яхшироқ англашга ёрдам беради.

Динамик ўрганиш тамойили. Дефектологлар учун энг ўзига хос ҳисобланган тамойил– бу болаларни динамик ўрганиш тамойилидир. Унга биноан текшириш жараёнида бола билган ва бажара оладиган вазифаларгагина эмас, балки унинг таълим олишдаги имкониятларига аҳамият қаратиш керак. Бу тамойил асосида Л.С.Виготскийнинг болаларнинг “якин ривожланиш зонаси” тўғрисидаги назарияси, уларнинг таълим олишдаги потенциал имкониятлари ётади. Боланинг ақлий ривожланиши қанча юқори бўлса, у ёки бу вазифани бажариш, олинган тажрибани янги вазиятда қўллашни шунча муваффақиятли ўрганади. Ақлий ривожланишда орқада қолган болаларни меёрида ривожланаётган болаларга нисбатан бўлган

фарқларидан бири бу улар ёрдамдан яхши фойдалана олмайдилар. Мана шунинг учун текшириш давомида педагог доим ўз эътиборини вазифа тушунтирилганидан сўнг уни ечилиши яхшиландими, шунга ўхшаш вазифани қандай бажарганлигига қаратиш лозим. Барча текширишларни таълимий эксперимент тамойилини эътиборга олиб ўтказиш тавсия этилади.

Бола томонидан бажарилган ишни баҳолаш давомида сифат-сонли ёндашиш тамойилини қўллаш муҳимдир, яъни фақатгина якуний натижанигина эмас, балки топшириқларни бажариш усули ва мувофиқлиги, ҳаркатларнинг мантиқий кетма-кетлиги, мақсадга эришишда қатъиятлиги ва ҳ.к.ларни баҳолаш керак. Бунда баҳолаш дифференцирлашган бўлиши лозим.

Фақатгина охирги натижанигина эмас, балки топшириш усулини ҳам эътиборга олиш лозим.

Бунда қуйидагилар инобатга олинади:

- вазифа ва текшириш ҳолатига муносабати

- вазифани шартларидан мўлжал ола олиши ҳамда, Вазифани бажариш йўллари

- вазифа шартларидаги материал ва кўрсатмаларга боланинг унга мос ҳаракатлари

- катталар ёрдамидан самарали фойдаланиши

- вазифани бажаришда таққослай олиши

- фаолият натижалари ва ўзининг баҳоларига муносабати.

Болани эрта ташхис қилиб ўрганишнинг муҳимлиги шундаки, у орқали болани коррекцион таълимга вақтида йўналтириб, иккиламчи нуқсонларни пайдо бўлишини олдини олиш мумкин.

Болалар ривожланишидаги нуқсонларига коррекцион ва диагностик ёрдам. Бола имкониятларига баҳо бериш ҳамда психик ривожланишини аниқлаш орқали коррекцион педагогик ишнинг вазифаларини ҳал этиш мумкин.

Юқоридагиларнинг барчаси ТППКда болаларни ўрганиш давомида амал қилиниши лозим бўлган тамойиллардир

1.3. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни психолого-педагогик ташхис қилиш вазифалари

Ривожланишида нуқсони бўлганларни психодиагностикаси уч босқичда олиб борилади:

- Скрининг-ташхис;

- Дифференциал ташхис;

- Индивидуал –коррекцион дастур ишлаб чиқиш мақсадида болани чуқур психолого-педагогик ўрганиш;

Ҳар бир босқич ўзига хос вазифаларга эга ҳамда ҳар бир босқичда уни замонавий психодиагностика ҳолатини характерловчи бир қатор муаммолар билан боғлиқ.

Скрининг – **ташхиснинг** асосий мақсади психологик ривожланиш давридаги турли нуқсон ва камчиликларга эга болаларни эрта аниқлаш, бола

ривожланишидаги психолого–педагогик муаммосини аниқлаб, унга умумтаълим муассасаларида шароитлар яратишдир.

Бундан ташқари скрининг-ташхис таълим муассасаларидаги болалар таълим-тарбиясига сифатли баҳолашга доир вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради: болаларга таълим-тарбия дастурларининг у ёки бу камчиликларини, аниқ таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёнидаги камчиликларини аниқлаш.

Скрининг – ташхисни ташкил этиш ва ўтказиш муаммоси ҳозирги кунда турлича амалга оширилади. Масалан болани таълим-тарбияси жараёнида қийинчиликларга учраган педагоглар таълим муассасасидаги психологга боланинг хусусусиятларига баҳо бериб, унга мос келувчи ишлар тавсиясини ишлаб чиқишини сўрайди. Бошқа ҳолларда ота-оналар психологга мурожат этадилар: бола тарбияси жараёнида ҳулқи бўйича дуч келинган муаммоларга ўз баҳосини, унга хос таълим-тарбия тадбирлари бўйича тавсияларини бериши сўралади. Шунини айтиш жоизки, мурожаатлар асосан катта мактабгача ёшдаги болалар кўпроқ учрайди, чунки ота-оналар мактабга “тайёрлов даври”да болада у ёки бу психологик муаммоларни сеза бошлайдилар.

Ва, ниҳоят махсус ташкил этилган скрининг-текширув натижалари орқали бола ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш мумкин. Скрининг-текширув шакли бўйича индивидуал ва фронтал бўлиши мумкин. Ушбу ёндашув ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни аниқлаш бўйича замон талабларига жавоб беради, аммо ҳар доим ҳам фойдаланилмайди. Скринингда фойдаланиладиган методикалар ҳар доим ҳам скрининг текширув вазифаларига мос келмайди, мутахассис психолог-педагогларнинг ривожланишдаги нуқсонларни аниқлашда тайёргарлиги кўпинча етарлича бўлмайди. Ҳозирги кунда “талабларга” кўра скрининг-ташхис етакчи ўринда келмоқда, лекин у бола хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиб унга психологик ва педагогик ёрдамни бера олмайди. Шундай қилиб, скрининг ташхисда ҳам бир қатор муаммолар ҳам мавжуд.

1. Болаларни текшириш бўйича методикаларнинг кўп бўлишига қарамадан, скринг текширувда қўлланиладиган ташхислари илмий жиҳатдан талаблари асосланмаган. Айниқса бу, биринчи 3 ёшгача бўлганларга тегишлидир.

2. Илк ва мактабгача ёшдаги психик ривожланиши меёрида бўлган ҳамда психолого-педагогик ва тиббий ижтимоий ёрдамга муҳтожлар болаларни ажратиш учун скрининг-ташхисни ишлаб чиқишда унинг мезонлари тизимини ишлаб чиқиш жуда қийиндир.

3. Скрининг-текширувнинг ўтказишда текширилувчининг шахсий хусусиятларини ва ҳиссий ҳолатини ўрганиш муҳим муаммолардан биридир. Олдинги тажрибаларига салбий қараши, ютуқ ва камчиликларига бўлган реакцияси кабилар вазифани бажариш сифатига ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида қийинчиликлар туғдиради, чунки скрининг-текширув давомида вақт чегараланган ва керакли маълумотларни олишга имконият бермайди.

Дифференциал таъхис ривожланиш нуқсонини аниқлайди, ва унинг натижалари орқали боланинг имкониятларига хос таълим шакллари аниқланади. Дифференциал таъхиснинг вазифалари қуйидагилар:

- бола ривожланишидаги ақлий, нутқий ва ҳиссий нуқсонлар характери ва даражасини аниқлаш;

- бирламчи ва иккиламчи нуқсонларини аниқлаш ҳамда бузилиш тизимли таҳлил қилиш;

- ҳаракат - таянч аппарати, кўрув, эшитув камчиликларида психик ривожланиш нуқсонларининг хусусиятларига баҳо бериш;

- педагогик таъхисни аниқлаш ва уни асослаш.

Ушбу маълумотларга таянган ҳолда коррекцион-педагогик жараёни, таълим дастурини, таълим муассасаси турини аниқлаш ва ташкиллаштириш мумкин. Дифференциал таъхис психологик-тиббий-педагогик комиссияда амалга оширилади. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни бир гуруҳ мутахассислар комплекс ўрганиб таъхис натижасини келишган ҳолда қўядилар. Иш боланинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда аниқ бир тизимда тузилади. Ривожланишида нуқсони бўлганларни дифференциал таъхис қилиш, ҳозирги кунда бир қатор муаммоларга дуч келади.

Маълумки, ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир турида психологик хусусиятларининг ўхшаш жиҳатлари ҳам кузатилади. Масалан, ривожланишида нуқсони бўлганларнинг деярли барчасида нутқ камчиликлар ёки таълим олишида сустликлар характерлидир. Ривожланиш нуқсонини, даражасини аниқловчи ўзига хос хусусиятлар, дифференциал таъхиснинг асоси бўлиб ҳисобланади (В.И.Лубовский). Бу ҳозирги кунда махсус психологияда аномал ривожланишларни таққослаш характерига эга илмий изланишларнинг етарлича эмаслиги билан боғлиқ. Бундай илмий ишларни олиб бориш дифференциал таъхис имкониятларини янада кенгайтирар эди.

Яна бир муаммо ТППК амалий фаолияти билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда ташкилий характерга эга кўпгина саволлар ечилмаган, ҳусусан доимий фаолият кўрсатувчи бир қатор методологик ва терминологик муаммоларни ҳал қилувчи таъхис муассасасини ташкил этиш, уни керакли кадрлар билан таъминлаш. Методологик муаммолар ичидан болани дифференциал таъхис мақсадида психодиагностика натижаларини таҳили ҳамда сифатли бажаришларига имкон берувчи самарали ва ишончли методларни ишлаб чиқиш муаммосини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни чуқур психолого-педагогик ўрганиш таъхис натижаларига асосланиб, коррекцион дастурни ишлаб чиқиш мақсадини қўяди. Бунда ўрганиш вақт талаб этади, у асосан таълимда, баъзида эса консултив муассасаларда ўтказилади. Бундай ўрганишнинг аниқ вазифалари турли ёш давлари учун кўп тарафлама ва ўзига хосдир. Улар ичидан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- Боланинг индивидуал психолого-педагогик хусусиятларини аниқлаш;

- Ривожланирувчи ва таълимий коррекцион индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш;

•Оиласидаги ички муносабатларни ўрганиш ва тарбия шароитларини аниқлаш;

Мутахассислар у ёки бу функциядаги камчилик ёки ривожланмаганликда самарали тавсиялар бермоқдалар, лекин боладаги ижобий ҳислатларни аниқлашдаги, айниқса шахс хусусиятлари яъни боланинг тасаввури, нутқи, ижтимоий шахсий муаммоси ҳал этишга қаратилган ишлари етарлича ривож топмаган. Аммо, самарали коррекцион-педагогик жараён фақатгина салбий омилларга эмас, балки биринчи ўринда болани психолого-педагогик индивидуал имкониятларини аниқлаш ҳам қаратилган.

Шундай қилиб, ривожланишида нуқсони бўлган болаларни психолого-педагогик ташхис қилишнинг муҳим вазифалари қуйидагилардир:

- бола ривожланишидаги нуқсонларни эрта аниқлаш;
- нуқсоннинг сабаби ва характерини аниқлаш;
- боланинг педагогик йўлланмасини аниқлаш;
- ривожланишидаги нуқсонлари бўлган болаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини аниқлаш;
- таълимий ва ривожлантирувчи дастурларни ишлаб чиқиш.

Тиббий-психологик-педагогик комиссия ишининг мазмуни ва уни ташкил этилиши

Таълим муассасларининг тармоғи кенгайиб бораётганлиги, ҳамда таълим муассасасини ота-онага танлаш ҳуқуқи берилганлиги сабабли баъзи-бир болаларни ўқитиш бўйича муамолалар юзага келмоқда. Баъзи ҳолатларда болаларни ўқитишда ва ҳулқининг ўзига хос хусусиятларини бошқаришдаги пайдо бўлган қийинчиликлар педагогнинг талаблари боланинг психик ва жисмоний тайёргарлигига мос эмаслиги, ақлий ривожланиш даражасига эътибор қаратилмаганлиги, боланинг соматик-психик ҳолатлари сабаб бўлса, бошқа ҳолатларда – мактаб таълимига тайёرمаслиги (баъзи психик функцияларнинг, мулоқат кўникмаларининг шаклланмаганлиги, ҳиссий-иродавий томонларнинг ривожланмаганлиги) ва ҳ.қ. Буларнинг барчаси болаларга ёрдамнинг янги турларини излаш учун асос бўлди. XX асрнинг 90-йилларида педагог ва психологларнинг ташаббуси билан таълимни бошқариш шаҳар ва вилоят органлари томонидан умутаълим мактабларида психолого-тиббий-педагогик консилиумлар ташкил этила бошланди. Уларнинг функцияларига болалар учун ривожланишларининг болани ёши ва индивидуал психо-жисмоний ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан таълим олишлари учун оптимал шароитлар яратиш киради.

ТППКнинг мақсад ва вазифалари. ТППКнинг асосий мақсади – ривожланишида нуқсони бўлган болаларга диагностик-коррекцион психолого-тиббий-педагогик ёрдам бериш, уларга ўқиш ва тарбия олишлари учун шарт-шароитлар яратишдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш керакдир:

- психик-жисмоний ривожланишида у ёки бу нуқсонлари бўлган болаларни аниқлаш ва ҳар томонлама комплекс текшириш;

- нуқсонларнинг характери ва сабабларини ўрнатиш (девиантли хулқ, катта ва тенгдошлари билан бўлган низоли вазиятлар, ўзлаштиришда орқада қолиш ва ҳ.қ.);

- боланинг потенциал имкониятларини аниқлаб ушбу таълим муассаса шароитида унга мақсадли махсус (коррекцион) ёрдам кўрсатиш;

- “хатар гуруҳи”га кирувчи болаларнинг индивидуал ривожланишини комплекс мақсадли дастурларини яратиш;

- ривожланиш динамикасини кузатиш (кузатув, ўқув йилининг бошидаги ёки охиридаги диагностик “кесимлар”, тегишли тузатишлар киритиш);

- ота-она билан маслаҳат ишларини олиб бориш.

Кўрсатилган вазифалар мактабгача таълим муассасалари педагоглари жамоаси ва ТППКнинг мутахассисларининг кучи билан ўзаро келишилган алоқада бажарилади.

Анъанада, ривожланишида турли нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган махсус муассасаларни болалар билан тўлдириш, муассасаларга болаларни юбориш билан шуғуланиб келган психолого-тиббий-педагогик комиссиялар (ТППК) фаолият кўрсатади. Улар таълим, соғлиқ, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш органлари билан биргаликда тузилган. Бунда болаларнинг ҳар бир типдаги муассасаси учун (ақли заиф, кўр ва заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи ва ҳ.қ.лар) ўзининг ТППКлари фаолият кўрсатган. Ушбу комиссия фаолиятида малакали мутахассислар қатнашиб келаётган бўлсада, унинг ишини ташкиллаштириш ва шароитлари (текшириш вақти чегараланганлиги, бир марталик текшириш давомида ривожланиш динамикасини кузатиш мумкин бўлмаганлиги, кўпинча уларнинг таркибида психологлар қатнашмаганлиги ва ҳ.қ.) тиббий ва психолого-педагогик ташхиснинг сифатини талаб даражасида олиб бориш имконини бермайди. Хато ташхис қўйилган вазиятлар кам бўлмаган.

ТППК психик ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган, ўқишда, мулоқатда, хулқида муаммоси бўлган болаларга махсус ёрдам кўрсатиш тизимидаги давлат маслаҳат-ташхис, коррекцион маркази бўлиб ҳисобланади. ТППК болаларга таълим беришнинг кўриниш ва шакллари аниқлаш учун эксперт хизмати функциясини бажармоқда. Ўз фаолиятида ТППК бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Конвенция, ҳамда Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазирлиги, таълим, соғлиқ, болалар ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунларига амал қилади. Маъмурий бўлинишни ҳисобга олиб вилоят, шаҳар, туман ТППКлар тузилади.

ТППКнинг штат таркибига қуйидаги мутахассислар киради:

- врачлар (педиатр, невропатолог, психиатр, отоларинголог, офтальмолог, лозим бўлганида баъзан ортопед);

- педагог-дефектологлар (олигофренопедагог, сурдопедагог, тифлопедагог, ортопед);

- логопед;

- психолог;

Худуднинг шароитларига (моддий база, мутахассислар билан таъминланганлиги ва ҳ.қ.) қараб ТППКнинг таркибида аниқ бир ишни

бажариш учун мустақил бўлимлар тузилиши мумкин. Бу ерга маслахат-ташхис, коррекцион ва илмий-методик бўлимлар киради.

ТППКнинг муҳим вазифаси ҳамда унинг фаолиятнинг асосий мазмуни деб бола ва ўсмирларни туғилишидан 18 ёшигача комплекс тиббий-психолого-педагогик диагностика ўтказиш ҳисобланади. Эрта диагностика болаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, уларнинг ривожланиш даражаси ва ўзига хос хусусиятларига аниқликлар киритиш, ҳамда тарбия ва таълим олиши учун жой топиб бериш мақсадида керак. Бу вазиятларда махсус (коррекцион) муассасани болалар билан тўлдириш масаласи ечилади.

Тиббий-психолого-педагогик диагностика бола ривожланишидаги нуқсонлар туфайли пайдо бўлаётган муаммоларни ечиш мақсадида ота-она (ёки уларни ўрнидаги шахслар), педагогнинг талаби бўйича ҳам ўтказилиши мумкин. Уларга болага ёрдам бериш учун маслахатлар ва аниқ тавсиялар керак.

ТППКда ишни ташкил этиш бўйича: ТППКга жўнатилганлар рўйхати ва текшириш ўтиб бўлган болаларни рўйхатга олиш дафтарлари; текшириш жараёни тўғрисидаги баённомалар; коррекцион-ривожлантириш тизимидан чиқарилган болалар ҳужжатларининг архиви ва ТППКнинг хулоса нусхалари.

Тиббий текшириш ўз ичига офтальмолог, отоларинголог, соматик, невролог ва психиатрларнинг текширишини олади. Керак бўлса параклиник текширишлар ўтказилади. Анамнез йиғилади. Бу барча текширишлар врачлар томонидан ўтказилади. Дефектологга ҳам, логопедга ҳам бу билан шуғуланишига рухсат йўқ, лекин улар болалар ривожланишига у ёки бу номақбул вазиятлар қандай таъсир ўтказиши, психикасининг хусусиятлари ҳақида билишлари муҳим. Бола ривожланишини тарихидан она билан ўтказилган суҳбат давомида врач томонидан олинган маълумотлар, ҳамда врач хуласасининг бола ҳолатининг объектив кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар психолого-педагогик текширишнинг тўғри стратегиясини танлаш учун ёрдам кўрсатади. Эшитиш қобилияти паст ёки нутқда нуқсон бўлган болани текшириш давомида новербал кўринишдаги топшириқлар берилиши зарур, кўришда нуқсон бўлса текшириш нутқ материали орқали ўтказилади ва ҳ.к.

Психологик-педагогик текшириш давомида боланинг психик ривожланишининг (нутқ, ҳаракат ва ҳ.к. ривожланишининг цензитив даври) ўзига хос хусусиятлари белгиланади; саранжомлик, ўзига- ўзи хизмат қилиши, бошқа болалар билан мулоқат қилиш кўникмалари қачон шакллана бошланганлиги аниқланади; моторика ҳолати, ўйин характери ва ҳ.к. қайд этилади. Нафақат айрим психик жараёнларни ўрганиш, балки шахсни ўзини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Агар болалар мактабда таълим олаётган бўлсалар, ўқишида мавжуд қийинчиликларнинг сабаби ва характерини белгилаш, нуқсон таркибини очиб бериш даркор. Билим олиш қобилиятига катта диққат қаратиш лозим. Билим олиш қобилиятининг кўрсаткичлари деб – умумий фикрлаш қобилияти, фикрлаш жараёнинг эгилувчанлиги, ўқув қуролларни

ўзлаштириш ва ҳ.қ., ҳамда бола ёрдамни қабул қилиш қобилияти (бу асосий кўрсаткичлардан бири) ҳисобланади. Бу ёрдамнинг характери ва ўлчамлиги эътиборга олинади.

Ўз ичига ўқув кўникмалардан, ёзиш, ўқиш, санаш, ва ҳ.қ.дан умумий хабардорликни, уларни шакллангаликни ҳисобга олиб, педагогик текшириш дефектолог томонидан амалга оширилади. Ўз хулосасида у нафақат бола ривожланганлигининг ўрнатилган долзарб даражасини акс этади, бола билан ишлаш бўйича керакли усулларни кўрсатади. Унинг тавсиялари ҳам педагог, ҳам ота-оналарга фойдали.

Психологик текширишни психолог ўтказди. У кузатилаётган ҳодиса сабабларини таҳлил қилади, психик функцияларни, мотивацион-идрок ва ҳиссий-шахсий соҳаларни коррекция қилиш бўйича тахмин (прогноз) ва тавсиялар беради. Хулосада у комплекс психологик ташхис қўяди. Керак бўлса нейропсихологик текшириш ўтказилади.

Логопедик текширишни (зарурият туғилган вазиятларда ўтказилади) логопед амалга оширади. Нутқ ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини намоиш этиб, у мавжуд нуқсонларнинг характерини ва сабабларини очиб беради. Логопедик ўрганиш жараёнига артикуляцион аппаратнинг, импрессив (фонетик эшитиш, сўзлар, содда гаплар, мантикий-грамматик курилмаларни тушуниш) ва экспрессив (такрорий, номинатив, мустақил) нутқнинг текшириш киради. Болаларнинг ёзма нутқи ҳам, ҳамда нуткий хотира ҳам текширишдан ўтказилади. Логопед нутқдаги нуқсоннинг тузилишини ва бола нутқининг ривожланмай қолганлик даражасини аниқлаши зарур, Бу нутқ бузилишлари бирламчи нуқсон бўлган болаларни ва нутқнинг заифлиги ақлий заифлик натижасида келиб чиққан болалар ўртасида чегара олишга ёрдам беради.

Мутахассилар томонидан йиғилган маълумотларга кўра, ТППК йиғилишларида натижалар муҳокама қилинади ва боланинг имкониятлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб ўқиш маршрути ҳақидаги тавсиялар билан, ҳамда керак бўлса тиббий ёрдам тўғрисидаги коллегиал хулоса берилади.

ТППКни ўтказиш даврийлиги ўқув муассасининг аниқ талаби билан боғлиқ, лекин кварталда камида бир марта ўтказилиши шарт. Йиғилиш пухталиқ билан тайёрланиши жуда муҳим, шунинг учун олдиндан (1-2 ой олдин) етакчи мутахассис болалардан қайси бири чуқур текширишга муҳтожлигини аниқлайди, бола билан иш дастури ва барча мутахассилари томонидан етакчи мутахассисга хулосаларни тайёрлаб бериш муддатлари (ТППКнинг йиғилишидан камида 3 кун олдин) тузилади. Болалар ТППКда такрорий текширувдан ўтказилаётган бўлсалар, бола билан индивидуал олиб борилган коррекцион-ривожлантириш иш натижалари алоҳида баҳоланади (динамикасининг характери) ва бу ишни давом этиш бўйича кейинги дастур тузилади.

ТППК нафақат бола, ота-онага ёрдам беради, у болада бўлган муамоларини ечишда педагоглар томонидан олиб борилаётган ҳаракатларнинг бир-бирига мувофиқлигини таъминлаб, уларнинг малака

даражасини ҳам оширади, ва бу ТППКнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Назорат саволлари

1. Турли ёш босқичларидаги психологик-педагогик диагностиканинг вазифалари нималардан иборат?
2. Психологик-педагогик диагностика қилишда қандай методологик тамойилларга амал қилиш лозим?
3. ТППК га нималар киради?
4. ТППК аъзолари томонидан болани текширишнинг қандай турлари ўтказилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия «Ўзбекистон файласуфлар Миллий жамияти» Т.: 2007 й.
2. Мо‘minjonova Z., Ziyayeva K., Karimova SH., Xalilova G.lar “Ona tili” yordamchi mehnat ta’limi maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Toshkent: “Artaprint” MCHJ 2005 й.
3. Po‘latova P.M. va boshqalar. Maxsus pedagogika. T.: «Fan va texnologiyalar», 2014 y.
4. Рахманова В.С. «Махсус педагогика» Т.:“Ғ.Ғулом” нашриёти, 2005 йил.
5. Психолого-педагогическая диагностика. Под редакцией И.Ю.Левченко и С.Д.Забрамной. М., АСАДЕМА, 2005г.

Электрон таълим ресурслари

1. [www. tdpu. uz](http://www.tdpu.uz)
2. www. pedagog. uz
3. www. ziyonet. uz
4. www. lex. uz
5. www. bilim. uz
6. www. gov. Uz

2 мавзу: Илк ва мактабгача ёшдаги болаларни психологик-педагогик ўрганиш (4 соат)

Режа

- 1.1. Гўдаклик даврида болаларни психологик-педагогик текшириш (туғилгандан то 1 ёшгача).
- 1.2. Илк ёшдаги (1-3 ёш) болаларни психолого-педагогик текшириш
- 1.3. Мактабгача ёшдаги болаларни психолого-педагогик ўрганиш (3-7 ёшгача)

Таянч иборалар: гўдаклик, илк ёш, ҳаракатланиш, сенсор, ҳиссий; овоз фаоллиги, амалий фаолият, катталар билан муносабат.

1.1. Гўдаклик даврида болаларни психологик-педагогик текшириш (туғилгандан то 1 ёшгача)

Бир ёшдаги болаларнинг ўзига хос хусусиятлари бу - катталарга бўлган қарамликдир. Катталар билан мулоқат қилиш – бола ҳаётининг биринчи ойларидаёқ муҳим эҳтиёждир. Айнан шу мулоқат жараёнида боланинг психик фаолиятининг асослари шаклланади. Бу ёшда ривожланиш бир меъёрга кечмайди, шунинг учун уни баҳолаш учун динамик кузатиш талаб этилади.

Ривожланишнинг тезлиги ва бир меъёрга кечмаслиги бола ҳаётининг биринчи ёшини ютуқлар бўйича бир неча босқичларга тақсимлайди.

Биринчи даврда (ҳаётининг биринчи ойи) - янги туғилган чақалоқлик даврида – ривожланишдаги етакчи ютуқларини ажратиш қийин, бироқ ҳаётининг 3-4 ҳафтасидаёқ коммуникатив хулқини аниқлаш мумкин: масалан, эркалашга болани лабини олдинга чўччайтириб, кулгу билан жавоб қайтариши.

Иккинчи даврнинг энг катта ютуқлари боланинг атрофдагиларга жавобан ҳис-туйғуларининг ҳамда эшитиш, кўриш идрокининг ривожланганлигидир. Осилиб турган ўйинчоққа диққат билан қараши, ҳаракатдаги буюмларни кузатиши, катталар юзига эътибор бериш қобилияти ривожланади. Бир ойликнинг охирида иккинчи ойликнинг бошида катталарга жавобан илжайиш пайдо бўлади. Ривожланишнинг иккинчи даврининг якунида бола да катталар билан мулоқотда бўлиш ҳар томонлама жонланади. Ушбу жонланиш янги туғилган боланинг гўдаклик даврига ўтганлигидан далолат беради. Бошни горизонтал ва вертикал ҳолатда ушлай олиш - иккинчи даврда ҳаракатлар ҳолатининг кўрсаткичидир.

Учинчи даврда (3-6 ой) кейинги кўриш ва эшитиш идроки реакциялари шаклланиши давом этади, тевақалда мўлжал олиш қобилияти пайдо бўлади, унинг негизида нутқни тушуниш қобилияти, предметли фаолиятининг биринчи белгилари, сенсор идрок ва хулқ атворининг дастлабки шакллари ривожлана бошлади. Ушбу ёшда кўриш анализаторининг фаолияти яхшиланиши натижасида етакчи ролни қўл ҳаракатларининг ривожланиши эгаллайди: давр охирига бола қўли билан мақсадли ҳаракатлар бажаришга, ўйинчоқларни қўлига олиб ўйнашга қодир.

Катталар билан мулоқат қилишда ҳам боланинг муносабати яхши томонга ўзгаради. Бола аста секинлик билан ўзиникиларни ажрата олади.

Ушбу даврга фаол нутқни бошланғич этапларини ривожланиши хос. Овозида гувуллаб ашула айтиш билан биргаликда гувраниш пайдо бўлади.

Биринчи ярим йил охирига қараб бола тўғри қўйилган қўлларининг қафтларига таяниб, қорнида ётади, орқасидан қорнига ағдарилади, турғизиб қўлида учаб турса оёқларига қаттиқ тиралиб олади.

Тўртинчи давр (6-9 ой) ютуқларга кескин бой бўлади. 7 ойга қараб бола эмайлаб кетади. Бу унинг хулқини ўзгартиради – у кўпроқ фаол ва мустақил бўлади, атрофини яхши танийди, ҳаракатлари фаоллашади. 9 ойга бориб тўғри туриш, ўтириб олиш, ётиш, ўрнидан туриш, ўтириш, тўсикни устидан

хатлаб ўтиш функциясилари ривожланади, кўл пашжаси ва бармоқларининг ҳаракатланиши токомиллашади.

Бешинчи даврда (9-12 ой) нутқнинг ривожланиши муҳим ҳисобланади. 9 ойдаги болага қараб гапиралганда унинг тушуниш қобилияти кенгаяди. Бу унинг хулқини, фаолият характерини ўзгартиради. 10-12 ойлик болада фаол нутқ шакллана бошлайди, бола биринчи сўзларини гапиреди.

Нутқни тушуна бошланиши предметлар билан ҳаракат қилиш мураккаблашади. 10-12 ойда бола катталарнинг гапига қараб ҳаракатларни бажаришга ўрганади. Ҳаракатлар турлича бўлади ва мақсадли характерга эга. Боланинг ўйинчоқлари сони кўпаяди; ўйин ўйнашга бўлган ҳаракатлар сезилади. Бу даврнинг охирида бола мустақил равишда вертикал ҳолатга туриб юради.

Одатда психодиагностик ўрганиш болалар ҳаётининг 1,5-2 ойидан кейин бошланади. Бундай текширишнинг объектлари бўлиб миясида эрта органик нуқсони бор, ёки ижтимоий ё ҳиссий оғир муҳитда (болалар уйи, она томонидан болага бўлган эътиборсизли) ўсиб боровчи болалар ҳисобланади.

Бир ёшдаги болаларни ўрганишнинг бир неча методикалари мавжуд. Россияда кенг тарқалгани бу Гезел ривожланиш Шкаласи, Денвер скрининг методикаси ва бошқалар. Г.В.Пантюхина, К.Н.Печора, Э.Л.Фрухт, О.В.Баженова, Л.Т.Журба, Е.М.Мастюковаларнинг ишларини ҳам алоҳида ажратиш мумкин.

Барча методикалар битта тамойил асосида тузилган: улар ҳаракат, нутқий, билим олиш, ижтимоий соҳаларни ўрганишга қаратилган вазифалар тўпламидан иборат. Ёшига қараб вазифалар қийинлашиб боради. Боланинг тешириш натижалари норматив билан солиштирилиб баҳоланади. Методикалар боланинг психикаси шаклланганлиги норма ҳолатдалигини, қолиб кетган бўлса, заифлашган соҳаларни аниқлаш ечимини топади. Россия методикалардаги талаблар хориж методикалардагига қараганда анча юқорироқ, айниқса нутқ ривожланишининг баҳолашда.

Бир ёшдаги болаларни текширишда амалиётда кўпроқ куйидаги усуллар билан фойдаланилади (О.В.Баженова, Л.Т.Журба, Е.М.Мастюкова).

8 ойдан катта болаларни махсус стол ёрдамида текшириш мумкин, каттароқ болалар махсус болалар столи ёнига ёки онасининг тиззасига ўтказилади. Болалар фаол, уйғонган, касал эмас (касаликларга бўлган мойиллик назарда тутилган), куруқ, қорни тўқ, ғазабланмаган, чарчамаган бўлиши керак.

Бошида бола билан алоқа ўрнатилди. Агар 8 ойдан ошган болалар бемалол бундай алоқага кирсалар ва уларга таниш ва нотаниш катталарни ажрата олмасалар – бу ёмон. Алоҳида эътибор бола билан онанинг муносабатига қаратилади.

Ҳаракатланиш фаолиятининг ҳолати аниқланади: бош ва қўлларини ушаш, ўтириш ва юриш пайтидаги ҳолатларни назорат қилиш имконияти ва сифати.

Кейин сенсор ҳаракатланишнинг ривожланганлиги аниқланади: кузатиш ва диққатни тўплаш функцияларнинг характери ўрганилади. Бунинг учун бола кўзи олдида 30 см масофада ёрқин 7-10 см катталиқдаги ўйинчоқ горизонтал, вертикал, айланма йўналишларда айлантирилади. 2-4,5 ойдаги боланинг кузатиш усули эътиборга лойиқ. Кузатиш функциянинг ўрганиш учун махсус экспериментал усуллар билан фойдаланилади. Биринчи вазиятда ҳаракатдаги ўйинчоқ 50 см масофадаги экран орқасига ўтиб кетади; кейин, ҳаракат траекторияси сақланиб, экраннинг бошқа томонидан пайдо бўлади. Агар бола ўз кузатишини тўхтатмасдан давом эттирган бўлса ва объект экран орқасидан пайдо бўлган пайтда боланинг нигоҳи унга қаратилган бўлса вазифа бажарилган ҳисобланади.

Бошқа вазиятда бола олдида 50 см масофада 35х35 смлик оқ экран ўрнатилади, унда бир биридан 10 см оралиқда 7х7 иккита ойнача бор. Ойначаларда кетма-кетлик билан 7 см овозли ўйинчоқ пайдо бўлади. Агар бола бир нечадан кейин бўлса ҳам ўз нигоҳини ўйинчоқ пайдо бўлган бир ойначадан ўйинчоқ пайдо бўлиши керак бўлган иккинчи ойначага олиб ўтган бўлса вазифа бажарилган ҳисобланади.

Кейин нигоҳ остида кетаётган объектга нисбатан бўлган муносабатнинг мавжудлиги, бош ва кўзларни ўгириб овоз манбасини топиш имконияти, нутқни эшитиб қулоқ солиш қобилияти ўрганилади, ҳамда бекитилган объектни топиш ва иккита объектга бир вақт ичида қараш текширилади.

Бирон бир предметлар билан бўлган муносабат текширилади. Бунинг учун 4 ойдан катта болага овозли ўйинчоқ берилади ва боланинг ўйинчоқни ушлаб олиши, тез ва аниқлиги, бармоқчалар ҳаракати, ушлаб туриш вақти баҳоланади. 8 ойдан катта болаларга яна битта овозли ўйинчоқ берилади, унинг ушлаб олиш ва бирдан иккита ўйинчоқни ушлаб туриши баҳоланади. Иккинчи ўйинчоқ биричи бўш қўл томонидан, кейин бўш эмас қўл томонидан берилади, боланинг ҳаракатлари баҳоланади. 10 ойдан катта болаларнинг айланиб ўтиш ҳаракатларининг шаклланганлиги аниқланади. Бунинг учун, болани ўйинчоқ билан қизиқтириб, уни 20х20 смлик бола нигоҳига нисбатан ўнг ёки чап томонда бўлган экран орқасига олиб қўйилади. Ўйинчоқнинг овози чиқарилади ва бир неча бор у экран орқасига бекитилади. Агар бола ўйинчоқни экран орқасидан олиб берса вазифа бажарилган ҳисобланади. Бир ёшгача болалар кўпинча ўйинчоқни экран жойлаштирилган томондаги яқин қўл билан олишади, ва фақат бир ёшдан кейингина экранга нисбатан узоқ бўлган қўл билан ўйинчоқни олиш қобилияти пайдо бўлади. Муҳим эътиборни болада предметларга нисбатан бажарилаётган ишларга бўлган қизиқиш ва кузатиш давомийлигига қаратиш керак. 10 ойдан катта болаларга бир нечта ўйинчоқ берилади ва улардан кетма-кет фойдаланиш, учинчи ўйинчоқни ушлаб олиш ҳаракатлари баҳоланади. Болани овқатлантириш пайтида иштирок этадиган предметлар: бутилкача, қошиқча, пиёладан фойдаланиш ҳаракатларининг ривожланиши асосий эътиборга лойиқ. Муҳим эътибор, фақат иккита - кўрсаткич ва катта

бармоқчаларда - олиш мумкин бўлган предметларга нисбатан қизиқишнинг борлигига қаратилади.

Катталар билан муносабат ўрнатишда танланган усулларнинг ривожланган даражасини аниқлашади: она ва бола ўртасидаги эмоционал ва кўриш алоқаларнинг мавжудлиги, ҳамда ушбу алоқаларни бола ва тадқиқотчи ўртасида ўрнатилиши кўрилади. Онадан сўралади: боланинг баъзи хохишларини тушунадими, боланинг йиғиси қачон нимани билдиради, йиғи пайтида каттанинг реакцияси қанақа эканлигини билиш учун тўхташлар борми, боланинг йиғиси ҳар доим бир ҳилми; уларнинг муносабатида нима ўйинлар ўйналади, бола ўйин ўйнаган вақтда онанинг кўзига унда-бунда қарайдими, мимика ва жест орқали берилган оддий қўлланмаларни тушунайдими, ва ниҳоят кўрсатиш имо-ишораларидан билан фойдаланайдими.

Текшириш давомида боланинг ҳиссий ва овоз реакцияларининг ҳолати ўрганилади, табассумининг характери ва аниқ ифодаланганлиги белгиланади, у қайси вазиятларда пайдо бўлиши таҳлил қилинади. Салбий ҳиссий намоёнлар, уларнинг бола қайфиятида кўплиги ёки сезилар даражада эмаслиги, бақириш хусусиятини боса билиши, вазиятдаги ўзгаришларга қараб йиғлаш, йиғлашини чалғитиб тўхтатиш имконларига эътибор қаратилади.

Психологик текшириш одатдагидек хулоса тузиш билан якунланади. Хулосада нуқсонларнинг оғир кўринишда бўлишини баҳолаш билан бир қаторда, болада ривожланиши бузилган психик функциялар, уларнинг бузилиш даражаси, ҳамда нормал ривожланаётган функциялар акс эттирилиши лозим. Бундан ташқари ҳар бир функциянинг текшириш давомида олинган натижалар асосида характеристикасини бериб, уларни сохалар бўйича гуруҳлаш керак :

- ҳаракатланиш;
- сенсор;
- ҳиссий;
- овоз фаоллиги;
- амалий фаолият;
- катталар билан муносабат.

Хулосанинг ушбу қисмида нафақат бола томонидан муваффақиятли ўтилган текширишлар ва уларни бажариш ўзига хос хусусиятлари, балки бола ўтолмаган топшириқлар ҳам таърифланиши керак. Хулосада берилган маълумот болада кузатилаётган нуқсоннинг характери ва механизми ҳақидаги тадқиқотчи фикрининг исботи сифатида хизмат қилиш керак. Бу эса ўз навбатида аниқланаётган нуқсонларни коррекциялаш ва тузатиш йўллари аниқлаш учун керак.

1.2. Илк ёшдаги (1-3 ёш) болаларни психолого-педагогик текшириш

1 ёшдан 3 ёшгача бўлган вақт бола ҳаётидаги ўзгаришлар давридир. Меъёрида ривожланишда илк ёшнинг муҳим ютуқлари бу, юриш, предметли фаолият, нутқ кўникмаларини шаклланишидир. Юриш кўникмалари боланинг психик ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Юриш

кўникмаларини эгаллаш орқали ривожланишнинг янги этапи, яъни атроф оламни ўрганади. Ўзи мустақил ҳаракатлана олганидан кейин бола фазода мўлжал ола бошлайди, предметлар билан мустақил муносабатга киришади. Натижада ҳаётининг иккинчи даврида предметли ҳаракати кескин ривожлана бошлайди; ҳаётининг учинчи даврида предметли фаолияти етакчи ўрин эгаллайди.

Предметли ҳаракатни ривожланиш билан узвий боғлиқлиги болада идрокни шакллантиради, чунки предметлар билан танишиш жараёнида фақатгина улар нима учун ишлатилиши эмас, балки унинг шакли, катталиги, ранги, материали ва бошқа хусусиятлари билан танишадилар.

Болаларда оддий кўргазмали ҳаракат шакллари ҳақида фикр юритиш, энг биринчи умумлаштиришлари, предметнинг ички ва ташқи белгиларини ажратиш ривожланади.

Айниқса бу даврда нутқ фаол ривожланади. 3 ёшгача бола атроф олам билан жумлалар ёрдамида мулоқатга киришади. Фаол луғати сезиларли ўса бошлайди, бироқ сўзларни талаффуз этаётганларида болалар биринчи ўринда интонационал-ритмик ва мусиқий характеристикасидан мўлжал ола бошладилар, шунинг учун кўпгина товушлари артикуляцияси жиҳатдан унга яқинни билан алмаштирилиб ифодалядилар.

2 ёшда нутқ функциялари назорат этиш ривожлана бошлайди, бола катталарнинг сўзли йўл-йўриғи бўйича ўз ҳаракатларини бўйсундира бошлайди. Нутқни тушуниш қизгин ривожлана бошлайди. Бу фақатгина тушунадиган сўзларини ўсиб боришидагина эмас, балки бевосита мулоқотнинг ҳолатга қараб нутқни тушуна бошлайди.

Ушбу ёш босқичида нутқнинг кескин ривожланиши барча психик жараёнларга таъсир кўрсатиб, бола фикрлашининг ривожланиши ҳамда мулоқот воситаларида етакчи ўринни нутқ эгаллайди.

Илк ёшдаги болаларда диагностик вазифаларни самарали бажаришда текширувни аниқ бир мақсада ўтказиш муҳимдир. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, текширув натижаларини фақатгина бола билан ижобий муносабатга кириша олганда ҳамда у вазифаларни бажаришда етарлича қизиқиш уйғотгандагина самарали баҳолаш мумкин. Текширув ўтказиш кўпича боланинг ёши ва ҳолатига кўра аниқланади, бу текширувни унумли ўтишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун боланинг кайфиятига ҳамда у билан текширув давомида ишончига сазовор бўлишга диққатни қаратмоқ лозим.

Илк ёшдаги болани психолого-педагогик ўрганишнинг асосий мақсади қуйидаги маълумотларни олишдир:

- билиш жараёнлари;
- ҳиссий-иродавий доираси;
- нутқгача ва нутқ ривожланиши;
- ҳаракатларининг ривожланиши.

Болани психик ривожланишини ташхис қилишдан олдин, албатта унинг кўриш ва эшитишида кўпол нуқсонларнинг йўқлигига қатъий аҳамият бериш лозим.

2-3 ёшдаги болаларни эшитишини педагогик жихатдан текшириш, мураккаб жараён ҳисобланади. Бу товушлар бола учун секин-аста сўзсиз таъсир этмай қўяди. Кўпгина нормал эшитувчи болалар уларга қаратилмаган одатий шовқинларга, нутқий сигналларга диққатларни қаратмайдилар. Овоз чиқаётган томонга бошларини қайилтириб қарашлари учун уларга одатий бўлмаган сигналлар ёки болани жавоб беришига мажбур этувчи сабабни кўрсатиш лозим. Товуш чиқарувчи манба сифатида дўмбира, сурнай, баланд ва пичирлаб “ав-ав-ав”(кучук) ва “ пи-пи-пи”(қушча) овозига тақлид қилиш, болани исмини, “киш” каби товушлар бирикмасини айтиш. Товушларни болани орқасидан 6 метр масофада ифодаланиши керак. Кўрув идроки орқали нутқида ифодаланиши чеклаш лозим.

Илк ёшда овозга реакция қилиш товуш чиқаётган томонга бошини ўгириб, 6 метр масофадан пичирлаб гапиришга овоз чиқариб жавоб реакциясини(товушни ўхшатиш, нутқни қайтариш) бериши.

Болада 2-3 ёшда товушга шартли равишда ҳаракатли реакциялари пайдо бўлади. Бу бола шивирлаганни эшитяптими ва қандай масофа оралиғида эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Боланинг эшитиши пасайган деб гумон қилинса, уни махсус аудиологик текширувга йўналтирилиши керак.

Илк ёшда кўриши пасайганлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: тактил орган сифатида оғиздан қўшимча фойдаланиш; предмет ёки расмларни кўзининг олдиғача келтириб қараши, предмет ёки тасвир майда деталларини эътиборга олмаслик.

Илк ёшдаги болаларни билиш жараёнларини ташхис қилишнинг ўзига хос томонлари бу боланинг психик фаолиятини ифодаловчи алоҳида вазифаларни бажарилишини таҳлил қилишга текширувчиларнинг диққат марказини қаратишидир. Бунда фақатгина натижасигагина эмас, балки вазифа бажариш бўйича ташкилий фаолиятини имкониятлари қандайлигига эътибор қаратилади. Илк ёшда билиш фаолиятининг асосий баҳолаш параметрлари қуйидагилар деб ҳисоблаш мумкин:

- вазифани қабул этиши;
- вазифани бажариш йўли;
- текширув жараёнида ўргатилиши;
- ўзининг фаолият натижаларига муносабати.

Вазифани қабул этиш деганда болани бажариш сифатидан қатъий назар берилган вазифани уни бажаришга розилиги назарда тутилади. Бу вазифани бажаришнинг биринчи, абсолют зарурий шартидир. Бунда бола ўйинчоқ ёки катталар билан мулоқот қилишга қизиқиш билан қарайди.

Илк ёшдаги болаларда асосий вазифани бажариш йўллари қуйидагилардир:

- мустақил бажариши;
- катталар ёрдамида;
- ўргатилгандан сўнг мустақил бажариши.

Берилган вазифани шартларига мос равишда боланинг ҳаракатлари, материалнинг характери ва йўланманинг талабларига қараб аниқланади.

Барча ҳолларда вазифани ноадекват барарилиши боланинг ақлий ривожланишида нуқсонлари борлигидан далолат беради.

Боланинг ёшига қараб тавсия этилган таълимий вазифаларгина амалга оширилади. Текширув давомида қуйидаги ёрдам турларини фойдаланиш мумкин:

- тақлид остида ҳаракатларни бажарилиши;
- тақлид остида вазифани кўрсатувчи имо-ишоралардан фойдаланган ҳолда бажариш;
- тақлид остида ҳаракатларни нутқий йўлланма орқали бажариш.

Бола элементар тақлид остида каттадан у ёки бу вазифани у билан биргаликда ҳаракатланиш орқали бажарилиш йўллари билиб олади. Вазифани бажарилиш йўллари кўрсатиш учтадан ошмаслиги керак. шунингдек каттанинг нутқи вазифадаги мақсадни кўрсатиши ҳамда бола самарали бажаришига имкон бериши керак. боланинг ноадекват ҳаракатлардан адекват (мос) ҳаракатларга ўтиши, унинг потенциал имкониятларидан далолат беради. Таълимнинг пастлиги баъзи ҳолларда қўпол интеллектуал ривожланмаганлик, ҳиссий -иродавий доирасидаги нуқсонларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Таълимий экспериментдан фойдаланиш орқали боланинг психик фаолиятининг(диққат, нутқ, идрок, тасаввур, хотира) ўзига хос томонларигина анализ қилишга эмас, балки уларнинг иш қобилиятини баҳолашга ёрдам беради. Бу айниқса ривожланишида нуқсони бўлган илк ёшдаги болаларда муҳимир, чунки уларнинг нуқсони оқибатида иш қобилиятини махсус ташкил этилган текширишлар орқали хотира ва диққатини кўпинча тасаввур этиш мушкулдек туюлади.

Болаларнинг билим фаолиятини диагностик баҳолашда уларнинг ўзининг натижаларига бўлган муносабати муҳим мезон ҳисобланади. Нормал ривожланувчи болаларда ўз фаолияти ва уни якуний натижаларига қизиқиш характерлидир. Интеллектида нуқсони бўлган болалар нима қилаётгани, ундан олинadиган натижаларга бефарқлик билан қарайдилар.

Илк ёшдаги болаларда психолого-педагогик текширув методикаларини ёшининг ривожланиш қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда танланиши керак. Вазифаларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оддийдан-мураккабга қараб секин-аста олиб борилиши керак.

Вазифалар фазода предметларни оддий шакли, хажми, рангига қараб жойлаштиришни назарда тутати. Вазифанинг асосий ташхис босқичи кўриб мослаштира олишини ривожланганлик даражасини аниқлашдир. Идрок хусусиятини ўрганишнинг асосий методикалари бу “Сеген тахтаси” (2-3 шаклли), пирамидани таҳлаш (уч шарик, уч ғилдиракдан), матрёшкани йиғиш ва ажратиш (икки қисмли, уч қисмли), жуфт расмлар(2-4), кесма расмлар(2-3 қисмли).

Логопедик текширув боланинг нутқий ривожланиш даражасига кўра анъанавий тарзда ўтказилади.

Идрокини ўрганишга йўналтирилган вазифалар шунингдек, боланинг ҳиссий-ирода доирасини ўзига хос хусусиятларини ташхис қилишда ҳам

фойдаланиш мумкин. Эксперимент давомида болани фаолиятини кузатиш орқали қуйидаги кўрсаткичларга эътиборни қаратиш лозим:

- кайфиятининг умумий ҳолати (адекват, руҳий сиқилиш, ташвишли, ўз-ўзидан хурсанд бўлиш), фаоллиги, қизиқишининг борлиги, қўзғалувчанлиги, тормозланиш;

- мулоқотга киришиши (катталар билан биргаликда ишлашга хохиши). Юзаки, енгил ҳамда тўлиқ бўлмаган мулоқот асосан интеллектуал нуқсонли, яъни ақли заиф болалар учун характерлидир. Тормозланган, ўта ташвишли, янги шароит ва нотаниш одамларга мослаша олишда қийналадиган, невротик реакция ва бошқа таъсирлардан кўрқадиган болалар мулоқотга қийин киришадилар. Мулоқотлардан қочиш кўпинча аутик болалар учун хосдир, уларда мулоқот қилишга талабнинг йўқлиги билан ўзини предметли оламдан чегаралаб қўйганлар;

- рағбат ва маъқулланишга ҳиссий жавоб. Илк ёшданок (1-1,5 ёшда) болаларда ижобий ҳиссий таъсирлар уларда хурсандчилик ҳисларини уйғотган. Асабийлашган болаларда ҳам рағбатлар хурсандчилик ҳисларни уйғотиб, вазифани бажарилиш натижаларини кўтарилишига олиб келади. Бефарқ муносабат катталарнинг баҳосига қизиқмаган ёки рағбатнинг маъносини тушунмаган болаларда кузатилади (масалан, интеллектуал нуқсонлари ифодаланганларда);

- талаб ва танқидга ҳиссий жавоб. Бунда қуйидагилар эътиборга олинади: болани танқидга бўлган муносабати, хатосини тўғирлашга бўлган муносабати, хулқини коррекциялаш бўйича қатъий тадбирлар муҳимлиги;

- фаолияти давомидаги қийинчилик ва омадсизликларга бўлган муносабат. Илк ёшнинг охирида (2,5-3 ёш) болалар ўзлари мустақил ҳаракатларининг хатоларини топа олиш қобилиятига эга бўладилар, кўрув-ҳаракат вазиятларига кўра қуйидаги элементар нутқий ибораларни ишлатадилар: “шундай-шундай эмас”, “қандай?”, “тўғри”, “нотўғри”, “вой”, ва х.к. хатоларни кўриб болалар вазифани хатоларини тўғирлаган ҳолда бажаришга уринадилар, керакли натижага эришишга эришишга ҳаракат қиладилар, керак бўлса катталардан ёрдам сўрайдилар.

Илк ёшдаги болаларни ҳаракат доирасини ривожланганлигини ташхис қилишда умумий ва майда моторикасини ўрганишни тақозо этади. Умумий моторикасини ривожланганликни баҳолаш параметрлари болаларнинг умум ёшдаги меёрий ҳаракат доирасини ривожланганлигига қараб тавсифланади:

13 ой –ўзи юради;

15 ой- узоқ вақт юради, ўтиради, зинадан чиқа олади, креслога ўзи ўтиради, тиззасида тура олади;

18 ой – зинадан ўзи чиқиб туша олади, ўйинчоқларини орқасидан таший олади, ерда ётган таёқ устидан ҳаклай олади;

21 ой – 15-20 см кенглик ва полдан 15-20 см баландлик бўйича юра олади;

2 ёш – энгашиб полдан ўйинчоқни олади, тўсиқлар устидан хатлай олади, коптокни оёғи билан тепа олади;

3 ёш – бир оёқда бир неча сония тура олади; тепага зина бўйлаб чиқишда хар бир зинага биттадан оёғини қўяди; пастга тушаётиб зинага иккала оёғини қўяди; икки оёқда сакрайди; уч ғилдирақли велосипедни хайдай олади.

Расм чизиш, тугмачаларни тақиш, минора (башня) қуриш каби вазифаларни бажариш орқали майда моторикасини ривожланганлик даражасига баҳо бериш мумкин. Масалан:

18 ой – штрихни қайтаради;

2 ёш – кўрсатилган айлана ва вертикал чизиқларни қайтаради;

2,5 ёш – икки ёки ундан кўп чизиқларни чиза олади;

3 ёш – доирани қараб чизади, одамнинг расмини танасисиз (бошоёқ) чизади.

Ушбу ёшдаги болани психик ривожланишини текшириш хулоса ёзиш билан тугалланади, унда ҳиссий ривожланишини ифодаловчи, идрок, нутқ ва мотор сфераси, алоҳида ҳаракатларининг психологик тизими ва вазифаларни бажариш ҳолати системаси, шунингдек болада кузатилган характерининг ўзига хос томонлари бўйича олинган маълумотлар умумлаштирилади. Психик ривожланишида нуқсонлар кузатилган бўлса хулосада унинг психологик тизими ҳақида характеристика ҳамда уни кейинги ҳаёти учун зарурий коррекциялаш ва компенсациялаш бўйича тавсиялар берилади.

1.3. Мактабгача ёшдаги болаларни психолого-педагогик ўрганиш (3-7 ёшгача)

Мактабгача ёшдаги болаларни ҳолатини текшириш бўйича тўғри баҳолаш учун, бир қатор шартларни ҳисобга олиш зарур:

- текширувлар давомида қулайликлар яратиш, ҳиссий мулоқатга киришиш;

- енгилроқ вариантдаги вазифадан бошлаб ижобий бажарилишига замин яратиб, эксперимент ўтказувчи билан кейин ҳам биргаликда ишлашга хоҳиш уйғотиш;

- чарчаб қолмаслиги учун сўзли ва кўргазмали методикаларни галма-гал бериш;

- вазифани ўйинли характерда бўлиши;

- билиш фаолиятини ривожланиш даражасини ҳисобга олиш.



Ҳиссий муносабатни қуриш мақсадида, психологик текширув бола билан суҳбатлашишдан бошланади. Суҳбат давомида билимларининг умумий захираси ҳамда болани атрофдагилар ҳақидаги тасаввури, вақт, фазовий мўлжал олиши, ҳиссий хусусиятлари: мулоқотга киришиши, қизиқишлари, севимли ўйин ва машғулоти аниқланади.

Мактабгача ёшдаги болаларни диагностик текширишда методикаларни

танлашда психологик. Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурдир, буларга қуйидагилар киради: ҳаракатларининг ривожланиш даражаси, кўргазмали-образли тафаккури, етакчи фаолият-ўйин, шунингдек бошқа фаолият турлари-расм чизиш ва қуриш.

4-5 ёшдаги болаларни текширишнинг асосий мақсади уларни фазовий мўлжал олиш фаолиятининг ривожланиш даражасини ўрганиш ҳисобланади. Фазовий мўлжал олиш ҳаракатлари тасаввур этишнинг бирламчи асосий тизими ҳисобланади.

Мактабгача ёшда фазовий мўлжалнинг қуйидаги даражалари ажратилади:

- хаотик ҳаракатлар;
- вариантларни танлаш;
- мақсад сари йўналган синовлар;
- амалда қўллаб кўриш;
- кўрув ориентировкаси.



4-5 ёшдаги интеллект меъёрида ривожланувчи болалар муаммоли амалий вазифали методикаларни мақсад сари йўналган синовлар ёрдамида деярли бажарадилар. Ушбу ёшда болаларда сюжетли –ўйин ва сюжетли-ролли ўйинлар ривожланади. Бундан ташқари продуктив фаолият турига(расм чизиш, қуриш ва бошқалар) турғин қизиқиш уйғотадилар.

6 ёшдаги болаларни текширишда қуйидаги психологик хусусиятларига этибор бериш лозим: сюжетли –ролли ўйин; продуктив сюжетни ифодаловчи фаолият турлари. Вазифаларни амалий бариб кўриш, баъзи ҳолларда кўрув ориентировкасига таянган ҳолда амалга оширишини ҳам ривожланишнинг муҳим кўрсаткичлари сифатида ҳам кўриш мумкин.

7 ёшдаги болаларни текширишдан асосий мақсад – уларнинг мактаб таълимига психологик тайёргарлигини ўрганишдир.

Мактабга психологик тайёр тушунча ўз ичига бир неча муҳим компонентларни олади: ақлий, мотивацион, ҳиссий-иродавий ва коммуникатив тайёргарлиги (болани тенгдошлари ва янги катталар билан муносабатга кириша олиши).

Мактабгача ёшдагиларнинг ақлий



ривожланишининг асосий параметрлари деб қуйидагиларни ҳисоблаш мумкин:

- вазифани тушуниши;
- вазифани шартини тушуниш;
- бажариш йўли (хаотик ҳаракатлар, ўлчаб кўриш, мақсад сари йўналган синовлар, амалий қўллашлар, кўрув ориентировкаси);
- текширув давомида ўрганиши;
- натижа фаолиятига муносабати.



Мактабгача ёшдаги болаларни билиш жараёнларини ўзига хос хусусиятларини ташхис қилишда “таълимий эксперимент шаклидаги ” махсус фойдаланилади, шунингдек вазифалар билим ва кўникмаларини шаклландирилган даражасини аниқлашга ёрдам беради. Бажарилган вазифаларнинг натижалари бола фаолиятининг характерини баҳолашга ёрдам беради: бола амалий шароитни муаммоли деб ҳисоблаётгани, вазиятни анализ қила олаётгани, мақсадга эришиш учун ўзи мустақил ёрдамчи воситалардан

фойдалана оладими.

Боланинг ҳаракатларига бундай ёндашиб баҳо бериш ривожланишининг фақатгина “долзарб” даражасинигина эмас, балки потенциал, яъни яқин ривожланиш зонасини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида ҳар бир бола учун коррекцион тарбиявий индивидуал дастурни ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Болани мактабда таълим олишига мотивацион тайёрлигини текшириш учун турли хил методикалардан фойдаланилади: болаларни турли фаолиятлари давомида кузатиш, суҳбат.

Мактабгача ёшдагиларни эмоционал-иродавий сферасидаги ҳолатининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар хизмат қилади: ҳулқ-атвор қоидаларига риоя этиш, бажарган вазифаси баҳосига тўғри адекват жавоб қайтармоқ, қийинчиликларни енга олиш.

Мактабга психологик тайёргарликнинг яна бир муҳим шарти баъзи элементар ўқув кўникмаларини эгаллаши-сўздаги товуш анализи, ўқиш,



ҳисоблаш кўникмалари. Шунингдек кўлни ёзишга тайёр эканлиги, атроф-олам ҳақида маълум бир тасаввур ва билимларининг борлиги.

Мактабгача ёшдаги болани психолого-педагогик ўрганишда муҳим компонентларидан бири унинг нутқини текширишдир.

Логопедик текширув логопедик амалиётда умум қабул қилинган нутқий системани ўрганишга қаратилган методикаларни ўз ичига олади.

Боланинг ривожланиш даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири бу унинг ўйин фаолиятидир, уни баҳоси эса диагностик белгилардан бири бўлиши мумкин. Мактабгача ёшдаги болаларда ўйин –етакчи фаолиятдир, А.Н.Леонтевнинг кўрсатишича:

- ўйин ичида янги фаолият турлари юзага келади ҳамда дифференциацияланади, масалан ўрганиш;
- унда кўпинча психик жараёнлар ўрин алмашади;
- ҳозирги вазиятдаги шахснинг асосий ўзгаришлари унга боғлиқдир.



Боланинг ўйин фаолияти орқали ривожланишидаги нуқсон ва камчиликларини эрта аниқлаш мумкин: ўйин боланинг ёш даражасига мос келмайди, ёки ўзига хос характерга эга. Бунда характерли кўрсаткич ўйинни секин-аста қийинлашиб бормаслиги, ижодий ёндашувнинг етарлича эмаслиги, ўйинда ташаббускорликнинг пастлиги, шунингдек бир хилдалилиги, ўйин характерини ўзгартирувчи эмоционал реакцияларнинг йўқ ёки

пастлиги. Ўйин фаолиятининг шаклланмаганлиги психик ривожланишни бир қатор ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради.

Болаларда манипуляцион, процессуал ўйин, сюжет элементлари мавжуд ўйинлар характерлидир.

Манипуляцияда бола ўзининг ўйин фаолиятини амалга оширмайди. У ўйинчоқни ҳар томонлама кўриб чиқади, бир жойдан иккинчи жойга кўяди, лекин бу ҳаракатларнинг барчаси ўша ўйинчоқ учун характерли эмасдир (масалан, кубикларни сочиб юборади, бир матрёшка билан иккинчисини уради ва х.к.).

Процессуал ўйинда ўйин ҳаракатлари такомиллашмаган, охириги натижага йўлланмаган. Бунда



ҳаракатлар болада қаноатланиш ҳосил қилади ҳамда бир неча маротаба қайтарилиши мумкин(машинани учуриш, кубикларни мақсадсиз тўп-тўп қуриш ва х.к.).



Сюжет элементлари асосидаги ўйин процессуал ўйиндан онгли ва мақсад сари йўналганлиги билан фарқланади. Ҳаракатларининг стереотиплиги йўқолиб, охириги натижа пайдо бўлади. Ўйин фаолиятини ўрганиш кузатув методи асосида амалга оширилади. Уни боғчадатабий шароитда ёки психолог хонасида ўтказиш мумкин. Ўйинни баҳолашда унинг тузилиши, характери, ўйин давомида болани сўзли мулоқоти кузатилади. Текширув вақтида болага хонадаги ўйинчоқларни ўйнаш ҳамда улар билан ҳаракатларни амалга оширишга

имкон берилади. Кузатув бола ўйинчоқни олдиға яқинлашганидан бошланади. Ўйинчоқларға бўлган эмоционал реакцияси, уларға бўлган қизиқиши, ўйнаш хохиши ҳамда мақсад сари ҳаракатларини йўналганлиги қайд этиб борилади.

Қуйидагилар баҳоланади:

- ўйинчоққа бўлган қизиқиши(эмоционал реакцияси ҳамда ифодаланиши, илтимослари);

- ўйинчоқларни танлаши (мавзуга оид танлов, бирон-бир ўйинни ташкиллаштириш мақсадида ёки тасодифий, каттароқ ўйинчоқни олиш мақсадида, нима учун кераклигига беъэтибор);

- ўйинчоқлардан адекват фойдаланиш, яъни предметни унга мос бўлган ҳолатда ишлатиш(ноадекват фойдаланиш: бола йиртади, синдиради. Ялайди, сўради, предметни оғзига солишға ҳаракат қилади, ўйинни мақсадсиз, мантиқсиз олиб боради);

- ўйинни мустақил ташкил этиш даражаси (манипуляция, процессуал, сюжет элементли ўйин);

- ўйиннинг характери (бир хиллик, ижодий);



- ўйин фаолияти давомида хулқи (эмоционал реакцияси, нутқи, бошқа ўйинларга ўта олиши, катталар иштирокига муносабати).

Текширув пайтида ўйиннинг йўқлиги ривожланишда нуқсонли борлигини кўрсатмайди, чунки бу шароит бола учун оддий эмас. Ўйинчоққа бўлган муносабат, ўйин даражасини характерлайди. Агар болада ўйинчоққа қизиқиш бўлмаса ёки улардан ноадекват фойдаланса, ўйинни ўзи ташкиллаштира олмаса, фақатгина катталар ёрдамида ҳаракатларни қайтарса, унинг ақлий ривожланиши пасайган деб ўйлаш мумкин. 4 ёшдан катта болаларда сюжетли ўйинни очиқ бера олмаслик ривожланишида орқада қолаётганидан далolat беради, манипуляция даражасидаги ўйин эса ривожланишдан ўта орқада қолаётганини билдиради. Бошқа кўрсатмалар билан бирга ушбу ўзига хос хусусиятлар интеллектни пасайганини кўрсатади.

Мактабгача ёшдаги болаларни психолого-педагогик текшириш тавсифнома ёзиш билан тугалланади, ривожланишдаги ўрганилган фаолиятлар, шунингдек ўзига хос характеристикаси ифодаланади.

Назорат саволлари

1. Бир ёшгача бўлган болаларни психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш қандай ўтказилади?
2. Илк ёшдаги болаларни психологик-педагогик текширишда нималарга эътибор берилади?
3. Мактабгача ёшдаги болаларни психологик-педагогик жиҳатдан текширишда қандай методлар қўлланилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия «Ўзбекистон файласуфлар Миллий жамияти» Т.: 2007 й.
2. Mo'minjonova Z., Ziyayeva K., Karimova SH., Xalilova G.lar "Ona tili" yordamchi mehnat ta'limi maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Toshkent: "Artaprint" MCHJ 2005 й.
3. Po'latova P.M. va boshqalar. Maxsus pedagogika. T.: «Fan va texnologiyalar», 2014 y.
4. Рахманова В.С. «Махсус педагогика» Т.: «Ф.Фулом» нашриёти, 2005 йил.
5. Психолого-педагогическая диагностика. Под редакцией И.Ю.Левченко и С.Д.Забрамной. М., АСАДЕМА, 2005г.

Электрон таълим ресурслари

www.tdpu.uz
www.pedagog.uz
www.ziyonet.uz
www.lex.uz

3-мавзу: Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни логопедик текшириш (2 соат)

Режа

- 3.1. Оғзаки нутқини текшириш
- 3.2. Боғланган нутқини баҳолаш
- 3.3. Сўз бойлигини баҳолашнинг мезонлари
- 3.4. Нутқнинг грамматик қурилишини баҳолаш
- 3.5. Дудукланувчи болалар нутқини текшириш
- 3.6. Дизартрик болалар нутқини текшириш

Таянч иборалар: оғзаки нутқ, луғат бойлиги, грамматик қурилиши, талаффуз, дизартрия, дудукланиш.

3.1. Оғзаки нутқини текшириш

Логопедияда нутқдаги нуқсонларни таҳлил қилиш учун асосий методика бўлиб Р.Е.Левина, Л.Р.Мўминова томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади. Ушбу таҳлилнинг асосида мураккаб, кўп босқичли ҳисобланган нутқдан фойдаланишига замонавий қараш ётади. Болада нутқи ривожланишида иштирок этадиган компонентлардан бири шаклланмаган бўлса, натижасида ўзининг орқасидан иккинчи, учинчи ва ҳ.қ. компонентларнинг ўзгаришини келтиради. Шунинг учун, логопедик тадқиқот нутқ тизимининг компонентларини ўрганишни ўз ичига олади:

- мустақил, боғланган нутқ;
- сўз (лексика) бойлиги;
- нутқни грамматик қурилиши;
- нутқнинг талаффуз томони (товушларни талаффуз қилиш, сўзнинг бўғинлари бўйича тузилиши, фонематик идрок этиш).

Логопедик тадқиқот давомида аниқ мақсадлар қўйилади:

- боланинг нутқий кўникмаларининг ҳажмини аниқлаш;
- кўникмаларини ёшига қараб ҳамда психик ривожланишига қараб солиштириш,
- нуқсонлар, нутқий фаоллик ва психик фаолиятнинг бошқа кўринишларини солиштириш.

Дастлаб босқичда логопедик тадқиқот махсус ҳужжатларни ўрганиш ва ота-она билан суҳбатлашиш билан бошланади. Мазкур босқичнинг вазифаси – анамнестик маълумотларни болани нутқи ривожланишининг давом этиши тўғрисидаги натижалар билан тўлдириш. Нутқ ривожланишининг қуйидаги асосий босқичлари ажратилади:

- гугулашнинг бошланиши, ноаниқ ғувур-ғувур, биринчи сўз, гап тузиш вақти;
- нутқнинг ривожланиши тўхтаб қолмаганлиги (агар тўхтаб қолган бўлса, нима сабаб бўлган ва қачон қайта тикланган);

- атрофдагиларнинг сўзлашуви характери (яқинларининг сўзлашувини ўзига хос хусусиятлари, икки тиллилик, катталар томонидан боланинг нутқига қўйилган талаблар);

- боланинг нутқидаги нуқсонига бўлган муносабат;

- логопедик ёрдам кўрсатилганлиги ва унинг натижалари.

Нутқидаги нуқсонлар баъзиларида эшитиш қобилияти паст бўлиши сабабли пайдо бўлиши мумкин бўлганлиги учун, текшириладиган болада ушбу қобилият яхши сақланганлиги ҳақида маълумот бўлиши лозим.

Эшитишни текширишда овоз чиқарадиган ўйинчоқлардан (ноғора, чилдирмача, мушук, қушча) ҳамда махсус танланган расмлардан фойдаланиш тавсия этилади. Пичирлаб гапирилган ва суҳбат қурилган нутқни бола томонидан эшита олишини текшириш лозим. Бола логопед қаршисига орқаси билан 6-8 метр масофада туради. Логопед нафасни тўлиқ чиқаради ва пичирлаб сўзларни айтади, бола уларни такрорлаши керак, масалан, мактаб, чойнак, машина, чемодан ва ҳ.к. Бола томонидан бу вазиятни идрок этиш қийин бўлса, логопед ўша сўзларни 4 метр, кейин эса 3 метр масофада такрорлайди. Хулоса қилиб бола қайси масофада пичирланган гапни эшита олиши кўрсатилади.

Эшитиш қобилияти меъёрга бўлса бола 6 метр масофада шивирлаб гапирилган сўз ва ибораларни эшитиши ва такрорлаши керак. Эшитиш қобилияти текшириладиганда кўриш қобилиятини ишга солиш керак эмас. Шивирланган сўзларни бола 3 метр масофада эшитолган бўлса, у ҳолатда эшитиш қобилиятини аниқлаб олиш мақсадида махсус маслаҳатга муҳтожлик борлиги ҳақида кўрсатма берилади.

Умуман гапира олмайдиган ёки гапиришни энди бошлаётган болаларда эшитиш қобилиятини текшириш анчагина қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолларда болага таниш бўлган предметлар тасвирланган расмлардан фойдаланиш тавсия этилади. Боладан логопед томонидан айтилган сўзни такрорлашни эмас, унга мос расмни кўрсатиш сўралади. Аввал логопед бола ёнида туриб гапиради, кейин эса узоқлаша боради. Эшитиш қобилияти паст бўлса бола аудиометрик текшириш бўйича мутахассисга юборилади.

Нутқни текшириш боланинг фаол (эксперессив) нутқини текшириш билан биргаликда, атрофдагиларнинг нутқини тушунишини (импрессив) қамраб олади.

Импрессив нутқни текшириш бўйича асосий вазифалар:

- логопед томонидан кўрсатиладиган этилган расмлардаги предметларни, унинг қисмларини, сифатини, у билан боғлиқ ҳаракатларни номлаб бериш (сўзларни тушунишини текшириш);

- оғзаки айтилган турли мураккабликдаги кўрсатмаларни бажариш (гапларни тушунишини текшириш);

- логопед томонидан айтилган грамматик шаклга мос предмет ёки расмни танлаш (грамматик шаклларни тушунишини текшириш);

- матнни қайта гапириб бериш, матнга оид саволларга жавоб бериш, шакли бузилган матн билан ишлаш ва ҳ.к. (матнни тушунишини текшириш);

Импрессив нутқнинг шаклланганлик даражасини таърифлаш кейинчалик логопедик хулосада ўз аксини топади:

- қаратилиб сўзланган нутқни тушуниш тўлиқлича шаклланган;
- кундалик сўзланган нутқни тушуниш;
- қаратилиб сўзланган нутқни тушуниш чегараланган (вазиятга қараб);
- қаратилиб сўзланган нутқни тушунмаслик.

Фаол (экспрессив) нутқни текшириш бола билан суҳбатлашишдан бошланади, унинг мақсади фикрини ифодалай олиш қобилиятини умумий савиясини аниқлаш.

Бола жавобларини суҳбат давомида таҳлил қилиш кейинги босқич текширувини аниқлаш ва тахминий фаразни ифодалашга ёрдам беради. Болада элементар иборали нутқнинг йўқлиги, нутқ тизимидаги компонентларни, нутқнинг грамматик қурилмасини ва фонематик жараёнларини ўрганишга имкон бермайди. Агар бола суҳбат жараёнида у ёки бу йўл билан мустақил боғланган нутқини борлигини ифодаласа, унинг мустақил нутқини шаклланганлик даражаси ва ёш хусусиятларига мос келишини аниқлаш керак. Бундай ҳолларда нутқни текшириш анъанавий тарзда нутқ компонентларининг барча томонларини ўрганишни кўзда тутди.

Боғланган нутқини текшириш суҳбат давомида мустақил нутқини чуқур текширишга мўлжалланган бир қатор вазифаларни ўз ичига олади:

- суҳбат;
- сюжетли расмлар бўйича ҳикоя тузиш;
- қисмларга ажратилган серияли сюжетли расмлар асосида ҳикоя тузиш;
- қайта сўзлаб бериш;
- тасвирловчи ҳикоя тузиш;
- тасаввурлари асосида ҳикояни тузиш.

3.2. Боғланган нутқини текшириш. Боғланган нутқини баҳолаш мезонлари

Боғланган нутқни баҳолашда шуни эсда тутиш керакки, тўрт ёшдаги болалар эндигина оддий кенг тарқалган гапларнигина эгаллай оладилар. 3-4 ёшда болалар мураккаб гаплардан фойдалана бошлайдилар. 4 ёшдан сўнг таниш бўлган эртакни қайта айтиб бера оладилар, бажонидил шеърларни ёд оладилар. 5 ёшда болалар икки маротаба эшитгандан сўнг қисқа матнларни қайтариб айта оладилар. 5 ёшдан сўнг кўрган ва эшитганларини кетма-кетликда ва батафсил айтиб, унинг сабаб ва оқибатларини тушунтира оладилар. 6 ёшдан сўнг болалар ўзлари мустақил равишда очиб берилган ва мантиқий тузилишга эга ҳикоялар туза оладилар.

Нутқи ривожланмаганликнинг боғланган нутқини ўзига хос томонлари:

- синтактик тузилмаларнинг бир хил ва камбағаллиги; бола мустақил нутқда асосан оддий гаплардан фойдаланади;
- бир хил турдаги гапларни кенгайтира олмаслик;
- бола предмет ёки ҳодисаларни ифодалашини чегараланганлиги;
- ҳикоя қилишнинг мантиқий тузилмасининг бузилиши: энг керакли жойини ташлаб аҳамиятсизини айтиб беради;

Кейинги йўналишдаги логопедик текширув сўз бойлиги захирасини текширишга қаратилган. Бунда қуйидаги вазифалар қўйилади:

- сўз бойлигини ёш меъёрига мос ёки мос эмаслиги; фаол луғатини характерлаш (феъл, сифат, отларнинг борлиги, нутқнинг бошқа қисмларида фойдаланиши);

- сўзларни лексик маъносини тушунган ҳолда ифодалашини аниқлаш;

Текширув давомида қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

От сўз туркумига оид сўз бойлиги:

- предмет ва унинг қисмларини ифодаловчи отлар (чойнак, қопқоқ, бурун);

- лексик маъноси бўйича ўхшаш отлар (қўйлак-камзул);

- умумлаштирувчи сўзлар (сабзавот, мева, идиш-товоқ, кийим-кечак ва ҳ.к.)

- йил фасллариининг номи;

- ҳайвон ва уларнинг болаларининг номлари;

- касб-ҳунарларнинг номи.

Феъл туркумига оид сўз бойлиги:

- предметларни ҳаракатларини ифодаловчи сўзлар;

- ҳолат, туйғу, ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар.

Феъллар нафақат инфинитив шаклида (югурмоқ, ювмоқ, чизмоқ), балки замонлар бўйича қўшимчалар ёрдамида ҳам ишлатилади (югурди-югуриб келди).

Сифат сўз туркумига оид сўз бойлиги:

Қуйидагиларни ифодаловчи сифатлар:

- предметларнинг катта-кичиклигини ифодаловчи (баланд, паст, тор);

- ранг (асосий ранг ва унинг туслари);

- шакл (доира, тухумсимон, квадрат);

- сифат (сутли, юмшоқ, силлиқ);

- мавсум (ёзги, кузги, қишки).

Равиш сўз туркумига оид сўзлар ҳам олиб борилади: тез, секин, баланд овозда, баландда).

Булардан ташқари қарама-қарши сўзлар (антонимлар) сўз бойлиги ҳам ўрганиб чиқилади.

Сўз бойлигини ўрганишнинг энг оддий йўли – бу предметлар ва уларнинг сифатини мавзули (ўйинчоқлар, мебель, транспорт) ёки вазиятбоп (дўкон, устахона, синф) омиллар бўйича махсус ажратилган расмларнинг номини айтиб бериш.

3.3. Сўз бойлигини баҳолашнинг мезонлари

Лексик имониятларни баҳолаш вақтида шуни ёдда тутиш керакки, боланинг нутқи меъёрида ривожланса ва тарбия муҳити яхши бўлса унинг сўз бойлиги жуда тез кўпайиб боради. 3-4 ёшда сўз бойлиги 600-2000 сўздан иборат бўлади. Болалар атрофдаги предметларни ва ҳодисаларни тўғри номлашади, етарли даражада предметларни сифатини, ҳаракатини ифодаловчи сўзларни билишади.

4 ёшида сўзларни тури ва кўриниши бўйича, антонимлар ва синонимларни, кичрайтирувчи-эркаловчи сўзларни яшаш кўшимчаларни (бармоқча, қуёнча, қуйлакча) ўз нутқида қўллай оладилар.

5-6 ёшида болалар ўзлаштириб олган сўз тузиш кўникмаси нутқда предметларнинг сифатини ифодаладиган сўзлардан фойдаланиш (темирли, тахтали, пластмассали), ҳамда бошқа-бошқа сўз туркумларидаги бир ўзақли сўзлардан (сузиш сузувчи-сузувчан) фойдаланиш.

Нутқ бузилишидаги устун турган лексик хатолар:

- предметнинг бир қисмини унинг ўзини номи билан алмаштириб номлаш (ёқа, енг – қуйлак);

- предмет номини унга мос ҳаракат номи билан алмаштириб номлаш (боғловчи ип - боғлайдиган);

- ўхшаш вазият ёки ташқи белгиларга қараб предметни номини алмаштириб номлаш (панама, берет, шляпа – шапка; кресло, табурет - стул);

- кўриниши бўйича эмас, тури бўйича предмет номини алмаштириб номлаш (мойчечак, қўнғироқча, атиргул - гул);

- предметнинг белгиси номини алмаштириб номлаш (тор-тор эмас, калта-кичик, узун, кенг - катта);

- умумий туршум боп сўзлардан фойдаланиш (ўйинчоқлар, идиш-товоқ, кийим-кечак, гуллар);

- антонимлардан фойдаланмаслик, синонимларни кам ишлатилиши.

Логопедик текширишнинг муҳим томони – нутқнинг грамматик қурилишини шаклланганлигини текшириш. Булар қуйидагича:

- гапнинг грамматик тузилишини тўғрилиги;

- отларнинг турли келишик шаклларида фойдаланиш характери;

- отларнинг бирлик ва кўплик сонлардан тўғри фойдаланиш;

- турли сўз туркумлардан тўғри фойдаланиш;

- сўз тузиш ва сўзни ўзгартириш кўникмаларга эгалик даражаси.

Нутқнинг грамматик тузилишини текшириш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- сюжетли расмга қараб гап тузиш (гапда сўзлар сони кўплиги, сўзлар грамматик тартиблилигига қаралади);

- аниқ грамматик шаклдаги сюжетли расмларга қараб гап тузиш (“Болалар ҳайвонот боғида фил, шер, маймун, олмахонларни кўришди”);

- қолдириб кетилган сўзларда келишик қўшимчаларини тўғри қўллаш (“Самолёт ўрмон учиб ўтмоқда”; “Копток стол ётибди”);

- Бирлик сонда берилган гапни кўплик сонда ифода этиш (битта стол, ва кўп);

- Сифат ва сонларни от билан мослаштириш.

Нутқни грамматик тузилишини ўрганиш учун алоҳида эътибор сўзни тузиш кўникмаси борлигига қаратиш керак. Бу ердаги асосий вазифалар:

- Кичрайтириш-эркалатиш қўшимчалари ёрдамида сўз яшаш (стулча, қошиқча);

- сифат сўзни от сўздан яратиш (шишадан ясалган стакан – шишали, тахтадан ясалган стол - тахтали);

- ҳайвон болаларининг номларини бирлик ва кўпликда қўллаш олиш (от – той, тойчалар);

3.4. Нутқнинг грамматик қурилишини баҳолаш. Нутқнинг грамматик тузилишини баҳолаш мезонлари

Нутқ грамматик тузилишини шаклланиш даражасини баҳолаш пайтида шуни эсда тутиш керакки, нутқи меъёрида ривожланадиган бўлса 5 ёшга бориб бола от, сифатларни бирлик ва кўпликда барча келишикларда тўғри қўллай олади.

Кўмакчи отлар билан тузилган гапларни ўзлаштиришда бола 3-4 ёшида барча оддий кўмакчиларни (ёнида, ичида, устида, тагида, бирга, ичидан, ёнига, орқасига, кейин) тўғри қўллай олади, гаплашганда улардан бемалол фойдаланади.

5-6 ёшида бола нутқида мураккаб кўникмаларни қўллай олади.

Сўз тузиш бўйича биринчи кўникмалар 4 ёшда аниқланади. Бу кийрайтириш- эркалиштиш қўшимчалар ёрдамида ясалган отлар.

5 ёшда болалар сифат ва отларни сон билан биргаликда бош келишикда тўғри фойдаланиш шаклланади.

Нутқнинг ривожланмай қолганлигидаги грамматик хатолар.

Нутқнинг грамматик воситалардан фойдаланиш ва тушунишдаги нуқсонлар “аграмматизм” термини билан ифода топади.

Импрессив ва экспрессив аграмматизм мавжуд. Импрессив аграмматизм – бола сўзда қўшимчаси ёки кўмакчиси ўзгарса сўз маъносининг ўзгарилишини фарқламайди. Экспрессив аграмматизмни қуйидаги ўзига хос грамматик хатоликлар ифодалайди:

- гапда сўзлар тартиби ўзгариши (инверсия);
- келишик қўшимчаларини нотўғри қўллаш;
- кўмакчиларни ташлаб кетиш ёки нотўғрисиغا алмаштириш;
- сўз яшаш қобилияти шаклланмаганлиги.

Боғланган нутқ, сўз бойлиги, нутқни грамматик тузиш билан биргаликда логопедик текширишда товушлар талаффузини ҳам ўрганилади.

Шу мақсадда, турли хажмдаги ва турли типдаги бўғинлардан иборат сўзлар танланади: ундош товушлар сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келган сўзлар. Бу сўзлар талаффуз этилганда мустақил равишда талаффуз этиш тавсия этилади.

Сўзнинг бўғин тузилишини эгаллаш даражасини аниқлаш учун қуйидаги вазифалар тақдим этилади:

турли тузилиши мурракаб сўзларни логопед кетидан такрорлаш (арча, ўргимчак, шкаф, пушка, қалам, мотоцикл, велосипед ва ҳ.к.);

логопед томонидан махсус ажратилган расмларни мустақил равишда номлаш. Сўзлар талаффузига қараб ажратилади, товуш сўзнинг бошида, ўртасида, охирида келиши (сабзи, хасса, гилос);

бўғинлари тузилиши бўйича мураккаб сўзлардан иборат гапларни такрорлаш (“Кутубхоначи китобларни тарқатди”).

Бўғин тузилиши ва талаффузи кўпол бузилган бўлса бир қатор бўғинлардаги товушларини ўзгартириб гапириб кўриш тавсия этилади:

- ҳар хил унли ва ундош товушлар (тамоку);
- ҳар хил ундош, лекин бир хил унли товушлар (мабата);
- ҳар хил унли, лекин бир хил ундош товушлар (какоку);
- сўзни ритмик тасвирини таққилатиб ифода этиш.

Нутқи ривожланмаган болаларда сўзнинг бўғин тузилишидаги хатоликлари:

- бўғинлар сонини камайтирилиши, кўпроқ – ундошлар иккита бўлиб келганда (тол-стол);
- ортиқча товушлар ва бўғинларни қўшиш (лимонт-лимон);
- товуш ва бўғинларни ўрнини алмаштириш (калакпа);
- товуш ва бўғинларни ўзгартириш (саф-шкаф);
- бўғинлар қолиб кетиши (хокечи-хокейчи);
- антисипация (астобус-автобус).

Нутқ фаолиятини ўрганиш тизимининг муҳим ажралмас қисми - бу нутқнинг нафақат ифода этиш томонларини, балки товушларни идрок этиш даражасини ўрганувчи товуш чиқазиш жараёнини текширишдир.

Аввал артикуляцион аппаратнинг: лаб, тил, тиш, жағ, танглайларнинг тузилишини ва ҳаракатчанлигини кўриб чиқиш керак. Уларнинг меъёрга мослиги аниқланиши керак. Текшириш жараёнида қуйидаги аномал вазиятлар учраши мумкин:

- лаблар - қалин, ингичка, калта;
- тишлар - сийрак, қийшиқ, майда, жағ айланмасидан ташқарида, йирик, орасида очик жой йўқ, очик жой катта; тепа ё паст курак тишлар йўқ;
- жағ (тишлам) – очик олдинга чиққан, очик бир томонга оған, прогнатия (тепа жағ олдинга чиққан), прогения (паст жағ олдинга чиққан);
- танглай – баланд, готик, тор, силлик, калта, паст;
- тил – кенг, кичик, тор.

Артикуляция аъзоларини ҳаракатчанлигини текшириш учун болага қуйидаги топшириқлар берилади:

- лабларни тил билан ялаб олиш;
- тилни бурунга, иякка, чап, кейин эса ўнг қулоққа етказиш;
- тилни чўлпиллатмоқ,
- тилни кенгайтириш, кейин эса торлаштириш,
- тил учини оғиздан чиқариб тепага кўтариш ва шу ҳолатда узоққроқ ушаб туриш,
- тил учини лабнинг чап бурчагига, кейин ўнг бурчагига теккизиш, ритмни ўзгартириб туриш,
- лабларни олдинга қараб чўччайтириш, кейин эса табассум қилиб кенгайтириш.

Бунда артикуляция аъзоларининг ҳаракатида эркинлик ва тезлик, равонлик, ҳамда бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга ўтиш қанчалик енгил бўлиши кузатилади.

Товушларни талаффуз этилишини текшириш пайтида боланинг у ёки бу товушни ўзини алоҳида талаффуз этиш ва улардан мустақил нутқда фойдаланиш кўникмаси аниқланади. Товушларни талаффуз қилишнинг камчиликларини белгилаб олиш керак: алмаштириш, бузиб талаффуз қилиш ёки баъзиларда товушлар тушиб қолиши.

Сўзлардаги товушларни талаффуз этилишини текшириш учун предметлар тасвирланган махсус расмлар тўплами керак бўлади. Товушни талаффуз қилинишини текширишнинг энг осон йўли қуйидагича: болага предметлар тасвирланган расмлар тақдим этилади, уларнинг номланишида текшириладиган товуш турли ўринда, яъни сўзнинг бошида, охирида, ўртасида ва ундошлар орасида жойлашган бўлиши керак.

Кейин бола ушбу товушларни қанчалик тўғри талаффуз этиши текширилади. Бунинг учун болага тегишли товуш такрорланиши мумкин бўлган кетма-кет бир нечта жумлани талаффуз этиш сўралади.

Фонематик идрок қилинишни текшириш давомида бола алоҳида олинган товушларни ажрата олишини аниқлаш керак. Биринчи навбатда, бу артикуляция ёки эшитилиши бўйича бир бирига яқин товушларга тегишли:

- сирғалувчи ва шовқинли товушлар (са-ша, за-жа, са-за, са-са, са-ча ва ҳ.к.);

- жарангли ва жарангсиз товушлар (та-да, па-ба, га-ка ва ҳ.к.);

- сонор товушлар (ра-ла, ри-ли ва ҳ.к.);

Бунда асосий усул бўлиб логопед орқасидан турли қарама-қарши, са-ша, ша-са, ач-аш, ра-ла, ша-жа ва ҳ.к. бўғинларни такрорлаб бориш ҳисобланади. Боладан берилган товушни эшитган заҳоти у имо-ишора (қўлни кўтариш, чапак чалиш) ёрдамида жавоб бериш сўралади.

Фонематик идрок қилишни ўрганиш пайтида жаранглаши бўйича яқин бўлган сўзларни ажрата олиш қобилияти аниқланади: мой-лой-той, сим-шим. Бу мақсадда болага тегишли расмни танлаб олиш ёки ҳар бир жуфтликни маъносини ифода этиш сўралади.

Нутқни комплекс ўрганиш натижалари логопедик хулосада, ривожланиш даражаси ва нутқ нуқсонининг шакли кўрсатилган берилади (дизартрик болада нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигининг (НТР) 3 даражаси; алалияли болада (нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигининг) НТР 2 даражаси, очиқ ринолалияли болада НТР 2-3 даражалари ва ҳ.к.).

Логопедик хулоса нутқнинг ҳолатини очиб беради ҳамда боладаги ўзига хос қийинчиликларни бартараф этишга йўналган бўлади. Бу индивидуал ёндашувни фронтал ва гуруҳли машғулотларда тўғри ташкил этишда муҳимдир.

3.5. Дудукланувчи болалар нутқини текшириш

Дудукланишни текшириш комплекс тарзда ўтказилиши жоиз. У болани психологик-педагогик ва логопедик томондан текшириш ҳамда тиббий текшириш натижалари таҳлилининг ўз ичига олиши жоиз.

Дудукланишни логопедик текшириш, уни натижаларинини қайд этиш қуйидаги кетма-кетликда акс эттириш мумкин:

1. Умумий маълумотлар:

- 1.Ф.И.Ш.
- 2.Туғилган санаси (йил, ой, кун).
3. Уй адреси, телефон.
4. Болани тарбияланиш ёки таълим олиш жойи.
5. Ота-онанинг Ф.И.Ш., ёши, иш жойи ва касби.
- 6.Оиласининг тузилиши.
7. Ота-онанинг шикояти.

II. Анамнез маълумотларини йиғиш

1. Ирсияти.
2. Онанинг ҳомиладорлик ва туғруқ даврини кечиши.
3. 1-ёшгача бўлган давридаги ривожланиш хусусиятлари.
4. Мактабгача ёш давр хусусиятлари.
 - Нутқий анамнез
 - Болани тарбияланиш шарт-шароитлари
 - Дудуқланишни ривожланиши
 - Оиладаги психологик муҳит, ўзаро муносабат хусусиятлари

III. Мутахассислар хулосаси таҳлили

IV. Дудуқланувчи боланинг психологик-педагогик тавсифномаси

V. Майда қўл моторикаси ва бармоқларни нозик ҳаракатлари, мимика ва артикулясион моторика ҳолатини текшириш

1. *Статик координация*
2. *Динамик координация*
3. *Ҳаракатларни бир вақтда бажарилиши*
4. *Бармоқларни нозик ҳаракатларини текшириши*
5. *Мимиканинг ихтиёрий ҳаракатларини текшириши*
6. *Артикулясион моторика ҳолатини текшириши*

VI. Нутқий функцияни текшириш

1. Артикуляция аъзоларининг анатомик тузилиши.
2. Товуш талаффузи, фонематик эшитувни, сўзни товуш-бўғин тузилишини, сўзни товуш тузилишини анализ ва синтез қилиш кўникма ва малакаларини текшириш.
3. Нутқни лексик томонини текшириш — луғат бойлигининг миқдор ва сифати хусусиятларини текшириш.
4. Нутқни грамматик томонини текшириш — қўлланиладиган гап шакллари, аграмматизмларни мавжудлиги, уларни намоён бўлиши, боғланган нутқ шаклланганлиги.
5. Нутқий ҳулқ-атвор хусусиятлари. Алоқага киришимлиги, нутқий фаоллиги, вазминлиги, импульсивлиги, атрофдаги шароит ўзгаришига

реакциясининг ўзига ҳос хусусиятлари (нутқий жараёнларни динамиклиги ва ўз вақтидалиги, мулоқот мавзусини ўзгаришига эгилувчанлик хусусиятлари), нутқни ташкил этиш хусусиятлари.

6. Нутқ темпи

7. Овоз

8. Нафас

9. Дудуқланишни ҳилма-хил нутқ турларида намоён бўлиш хусусиятлари

10. Мускул-пай тортишиш тури

11. Мускул-пай тортишиш жойи

12. “Қийин” товушларни мавжудлиги (товушфобияси)

13. Нутқий найрангларни мавжудлиги: (сўзларни алмаштириш; сўзларни жойини ўзгартириш; эмболофразиялар; нутқий мулоқотни ихтиёрий тарзда чеклаш).

14. Ихтиёрсиз ҳаракатларни мавжудлиги ва уларнинг характери

15. Дудуқланишни кучайтирувчи омиллар: ҳаяжонланиш, толиқиш, нотанишлар билан суҳбатлашиш, шовқин ва ҳ.з.

16. Нутқга ижобий таъсир этувчи омиллар: шовқин, ўзини назорат қилиш, диққатни кўчириш, нутқни ҳаракат билан уйғунлаштириш.

17. Нутқий нуқсонга муносабати: адекват, ноадекват, шахсни кадр-киммати тизимига таъсир этувчи (сверхценное)

18. Логофобиянинг мавжудлиги: вазият танловли, умумий ва ҳ.з.

19. Дудуқланиш намоён бўлмайдиган даврлар мавжудлиги: доимийлик ва давомийлиги.

20. Ҳиссий ҳолатни дудуқланишга таъсири.

21. Дудуқланишни кечиши: прогредиент; регредиент, стационар, тўлқинсимон.

22. Дудуқланиш билан бирга келувчи нутқ нуқсонларини мавжудлиги.

23. Мускул-пай тортишиш даражасини аниқлаш: энгил, ўрта, оғир, дудуқланиш сабабли со;злашни умуман амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолатлар.

Хулоса_____

Тавсиялар_____

Дудуқланувчи болани текшириш натижалари логопед томонидан психологик-педагогик хулоса шаклида умумлаштирилади. Хулосада дудуқланувчи болани меъёрдан четга чиқиш ҳолатларини белгиловчи маълумотларини акс эттириш жоиз.

Логопед хулосасида қуйидагилар акс этиши жоиз:

— МАТни органиг жароҳатланиш белгиларини мавжудлиг (тиббий хулоса асосида);

— Мускул-пай тортишиш шакли (тоник, клоник, аралаш);

— Мускул-пай тортишиш жойи (нафас, овоз, артикулясия аъзолари, аралаш);

— Дудуқланиш даражаси (енгил, ўрта, оғир);

- Нутқ темпи (секинлашган, тезлашган, жуда тез гапириш, тахилалиянинг мавжудлиги);
 - мотор функция ҳолари;
 - Ҳиссий ҳолатни дудуқланишга таъсири; дудуқланиш жараёнида ҳаяжонланишни мавжудлиги, ҳаяжонланишга реакция.
 - Логофобиянинг мавжудлиги;
 - Нутқий ва ҳаракатли найранглар, эмболофразиялар, нутқ услубини ўзгариши;
 - Бошқа нутқ нуқсонларини мавжудлиги (дислалия, дизартрияни енгил шакллари, НТР);
 - Дудуқланувчи болани индивидуал-психологик хусусиятлари, ўйин фаолиятининг хусусиятлари, ўқув фаолиятига муносабати.
 - Дудуқланиш намоён бўладиган вазиятлар доираси (барча вазиятларда, аксарият вазиятларда, баъзиларида).
- Шу асосида логопед дудуқланишни клиник шакллари ажратиш имкониятига эга бўлади.

Хулосалардан лавҳалар:

1-намуна

Дудуқланиш боланинг меъёрдаги психик-мотор ривожланиш фонидан 2 ёшдан 5 ойлигидан кўрақдан кейин ўткир бошланган, нутқнинг фонетик, лексик-грамматик томонини ривожланиши ёшига мос. Мускул-пай тортилиши артикуляцион-нафас аъзоларида, тоно-клоник типда, ўрта даражада намоён бўлмоқда. Невротик шаклдаги дудуқланиш.

2-намуна

Тиббий ҳужжатларга кўра МАТни органик жароҳатини резидуал ҳолатлари намоён бўлади. Дудуқланиш психик-мотор ва нутқий ривожланишнинг орқадан қолган фонидан 3 ёшдан 10 ойлигидан аста-секин юзага келган, Мускул-пай тортилиши артикуляцион-нафас-овоз аъзоларида, тоно-клоник типда, енгил даражада намоён бўлмоқда. Енгил даражадаги дизартрия кузатишмоқда. Неврозсимон шаклдаги дудуқланиш.

3.6. Дизартрик болалар нутқини текшириш

Дизартрия-бу нутқ аппаратининг иннервациясини етарлича эмаслигидан, нутқнинг талаффуз томонини бузилишидир. Дизартрияда етакчи нуқсон марказий ва периферик нерв тизимини органик жароҳатланиши натижасида нутқнинг талаффуз томонини бузилишидир. Дизартрияда талаффуз томондаги нуқсонлар нерв тизимидаги жароҳатнинг чуқур ва характериға кўра турли даражаларда намоён бўлади. Енгил ҳолларда товушларни бузиб, нотўғри талаффуз этиш, оғир ҳолларда эса товушларни алмаштириш, тушириб қолдириш, нутқ темпининг, ифодалилигини йўқлиги. Хуллас, талаффуз тушунарсиз бўлиб қолади.

Дизартрик болаларни логопедик текширув, умумтизимли ёндашув асосида қурилган бўлиб, нутқий ҳамда нутқсиз ўзига хос томонларини, бола ва унинг ёшини умум психо-неврологик ҳолатини эътиборга олган ҳолда логопедлар томонидан ишлаб чиқилади. Боланинг ёши қанчалик кичик бўлса

унинг нутқий ривожланиш даражаси шунчалик паст бўлиб, унинг нутқсиз нуқсонларини анализ қилиб ташҳис қўйиш катта аҳамият касб этади.

Хозирги кунда нутқсиз нуқсонларни баҳолашда дизартрияни эрта ташҳис қилиш воситалари ишлаб чиқилган. Дизартрияни кўпинча биринчи кўринишлари, хаттоки буни янги туғилган чақалоқларда ҳам кўриш мумкин псевдобульбар синдромидир. Йиғлашининг паст ёки умуман йўқлиги(афония), эмиш, ютишининг бузилиши, баъзи туғма рефлексларнинг сустлиги ёки йўқлиги(эмиш, излаш, кафт-оғиз-бош). Бундай болаларнинг бақириви узоқ вақт паст, кўпинча бурун орқали чиқади, баъзи ҳолларда нафас чиқариш вақтида ҳиқиллашлар кузатилади.

Болалар кўкракни ёмон оладилар, эмиш вақтида тикилиб қоладилар, кўкарадилар, баъзида сут бурунларидан оқиб чиқади. Оғир ҳолларда болалар ҳаётининг биринчи кунларида умуман кўкракни олмайдилар, уларни зонд орқали овқатлантирадилар, бунда эса ютиш рефлексини бузилиши кузатилади. Юзаки, тез, бир ритмсиз нафас оладилар. Бу бузилишлар юз асимметрияси билан боғлиқ бўлиб, оғизнинг бир томонидан сутни оқиб кетиши, пастки лабнинг осилиб ётиши натижасида кўкрак учини ушлай олмасликлар кузатилади.

Гу-гулаши ҳам бир хиллиги ва кеч намоён бўлиши билан ажралиб туради. Бола узоқ вақт чайнай, тишлай олмайди, қаттиқ овқатга тикилади, пиёладан чой ича олмайди. Туғилган пайтидаги туғма шартсиз рефлексларнинг йўқлиги ёши катта бўлган сари ўз таъсирини кўрсатиб, ихтиёрий артикуляцион моторикани ривожланишини қийинлаштиради. Нутқий симптомларда катта бузилишлар - талаффуз нуқсонларининг турғунлиги, ихтиёрий артикуляцион ҳаракатларни етарлича эмаслиги, овоз реакциялари, оғиз бўшлиғида тилнинг нотўғри ҳолати, куч ишлатиб ҳаракатлантириши, овоз ва нутқий нафаснинг бузилиши, нутқ ривожланишини орқада қолиши кузатилади.

Дизартрик болаларни ҳар бир ёшини текширишда мимик мускулатурасини ҳолатини кузатишдан болаш муҳим аҳамиятга эга. Мимик мускулатурасини тинч ҳолатидан бошлаб текшириш бошланади. Бунда бурун-лаб бўғимлари ифодаланиши ҳамда уларнинг симметрикчилиги, лаб чизикларининг қалинлиги ва юмилиши қай этиб борилади. Мимик мускулатурада куч ишлатиб ҳаракатлантириш (гиперкинез) ҳолатларининг борлиги аниқлаштирилади. Болада оғзини ёпиб тура олиши, кўзларини юмиши(иккаласини ҳамда алоҳида-алоҳида), қошларини чимириши, келишиб ҳаракатланишларни намоён бўлиши кузатилади(синкинезия).

Ҳаракат функцияларини текшириш турли хил юкламалар ҳамда кўп маротаба такрорлашлар орқали ўтказиш тавсия этилади. Бунда ҳар бир ҳаракатнинг тўлиқ ёки тўлиқ бажарилмаганлик сифатлари кузатилади. Охирги ҳолларда ҳаракатлардан тўхташи, ҳаракатларини толиқиши, унинг темп ва раволигини ўзгариши, ҳажми, бошқа ҳаракатларни қўшиши қай этиб борилади. Бундай юкламалардан дизартрияга хос бўлган сўлак оқишлари кузатилиши мумкин.

Кейин логопед артикуляцион характердаги ўзига хос хусусиятларни кузатишга ўтади (тишламнинг (прикуснинг) нотўғрилиги, тил юганчасининг калталиги, танглайнинг кубага ўхшаши).

Текширув артикуляцион аппарат моторикасининг қуйидаги компонентларини ўрганишдан бошланади:

- лаб ҳаракатлари: очиш ва ёпиш, иржайиш, олдинга чўзиш;
- пастки ва тепа жағларининг ҳаракати: оғизни очиб, ёпиши;
- тил ҳаракати: олдинга-орқага, тепага-пастга, чапга-ўнгга, ташқарига чиқариши;

- юмшоқ танглайнинг ҳолати: юмшоқ танглайни “а” товушини кучли айтилганда кўтарилиши, унли товушларни талаффуз қилганда бурун орқали ҳаво оқимини чиқиш ёки чиқмаслиги, чиқишининг бир маромдалиги, ютиш рефлексини бор ёки йўқлиги (шпател билан юмшоқ танглайга текизганда чайнаш ҳаракатларини намоён бўлиши).

Бульбар паралични ўткир ҳолларида лаб, тил ва бошқа артикуляцион органларнинг эркин ҳаракатларининг йўқлиги; бундай ҳолларда баъзи рефлексор ҳаракатларни аниқлаш мумкин. Масалан, лабини кулги ҳолатига келтириш, шпател билан текизилганда тилини тортиб олиши, йўталганда юмшоқ танглайни ҳаракатланиши, эснаши ва х.к.

Овоз боғламларининг ва юмшоқ танглай фалажини нафас ҳамда овоз ҳосил бўлишида ифодаланиши. Овозни бурун орқали чиқиши кузатилади. Одатда нафас олиш, чиқариш юзаки, текис эмас.

Товушларни талаффуз этишини умумқабул этилган методикалар орқали текширилади. Шунингдек бунда артикуляциянинг ўзига хос хусусиятлари, ҳаракатларининг аниқлиги, кирувчи товуш артикуляцияларининг тартиби, бир товушдан иккинчи товушга ўтишнинг бир маромдалиги, кўшимча товушларни ифодаланиши белгиланади. Товушлар талаффузидаги нуқсонлардан ташқари сўзлардаги бўғин тузилмаларини эгаллаш даражасига диққатни қаратиш лозим.

Товушлар талаффузи текширилгандан сўнг товушларни фарқлай олишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланади. Болага логопед кетидан бир қатор оппозицион товушли бўғинларни қайтариш таклиф этилади, масалан: та-да-та, ша-са-ша, ра-ла-ра. Ушбу товушларни болалар кўпинча талаффуз эта олмаганлиги учун у товушларни талаффуз этиришга эмас уларни ажратишга ҳамда танишига диққат қаратилади.

Дизартрик болаларни текширишда кўпинча учрайдиган ундош товушларни ажратишинигина эмас, балки унлиларни аралаштириб юбориш хусусиятларини ҳам аниқлаши лозим (улар одатда артикуляциясини дифференциясини ёмон қиладилар).

НТР болалар учун ишлаб чиқилган воситалар ёрдамида нутқнинг лексик-грамматик томонини ривожланиш даражаси текширилади. Дизартрик болаларни лексик томонини текширишда предметларни номлашдаги қийинчиликларни эътиборга олиш керак. Шунинг учун бола бирон-бир предметни номламаса, ушбу сўз унинг пассив луғатида бор ёки йўқлиги текширилади.

Текширишлар натижасида логопед фақатгина артикуляцион нуқсонлар ва товушлар талаффузинигина эмас, балки нутқнинг умумий ривожланиш даражаси ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Ташхис шифокор ва логопед билан биргаликда қўйилади. Дизартрик болаларни нутқий харитасида тиббий ташхис билан биргаликда, логопед дизартрикнинг имкониятларини эътиборга олиб нутқий нуқсонларига тизимли анализ қилган ҳолда хулосалайди. Масалан:

- псевдобульбар дизартрия, фонетик нуқсонли;
- псевдобульбар дизартрия, нутқнинг фонетик-фонематик томондан ривожланмаганлиги;
- псевдобульбар дизартрия, фонетик-фонематик ривожланмаганлик, артикуляр- акустик дисграфия (бу вариант ўқувчиларда учраши мумкин).
- псевдобульбар дизартрия, нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (III даража).

Назорат саволлари

1. Болаларнинг оғзаки нутқини текширишда нутқ тизимининг қайси компонентларини ўрганишни назарда тутади?
2. Болалар нутқини текширишда қандай воситалардан фойдаланилади?
3. Дудуқланувчи болалар нутқини текширишда асосан нималарга диққатни қаратиш лозим?
4. Дизартрик болалар нутқини текширишда нутқ ҳаракатлари функцияларининг ўрганишнинг хусусиятлари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия «Ўзбекистон файласуфлар Миллий жамияти» Т.: 2007 й.
2. Mo‘minjonova Z., Ziyayeva K., Karimova SH., Xalilova G.lar “Ona tili” yordamchi mehnat ta’limi maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Toshkent: “Artaprint” MCHJ 2005 й.
3. Po‘latova P.M. va boshqalar. Maxsus pedagogika. T.: «Fan va texnologiyalar», 2014 y.
4. Рахманова В.С. «Махсус педагогика» Т.:“Ғ.Ғулом” нашриёти, 2005 йил.
5. Психолого-педагогическая диагностика. Под редакцией И.Ю.Левченко и С.Д.Забрамной. М., АCADEMA, 2005 г.

Электрон таълим ресурслари

- www. tdpu. uz
- 2. www. pedagog. uz
- 3. www. ziyonet. uz
- 4. www. lex. uz
- www. bilim. uz

КЕЙСЛАР БАНКИ

КЕЙСЛАР БАНКИ

1-топширик

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

Логопедик гуруҳдаги НТРнинг 3 даражасидаги болалар ҳужжатларини ўрганиш вақтида логопед болаларнинг асосий қисмида нутқнинг лексик томонида қуйидаги камчиликлар мавжудлигини белгилади: лексик алмаштиришлар (плаш-пальто, душ-чўмилиши, ин-қушнинг уйи, чойнак-иссиқ, ёқа, енг – куйлак, боғловчи ип – боғлайдиган, шляпа – шапка; кресло, табурет – стул, мойчечак, қўнғироқча, атиргул – гул, тор-тор эмас, калта-кичик, узун, кенг - катта ва хоказо).

Савол:

1. Алмаштиришларнинг турининг аниқланг.
2. Бу камчиликни коррекциялаш учун топшириқлар ва машқлардан намуналар келтиринг.

2-топширик

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

Логопедик гуруҳдаги НТРнинг 3 даражасидаги болалар ҳужжатларини ўрганиш вақтида логопед болаларнинг асосий қисмида нутқнинг лексик-грамматик томонида қуйидаги камчиликлар мавжудлигини белгилади: аграмматизмлар, гапда сўзларнинг боғланишининг бузилганлиги: бола мактаб кетди, самолёт дала учиб ўтмоқда”; “копток стол ётибди, Саида мактаб... келди)

Савол:

1. Камчиликларнинг характерини аниқланг.
2. Бу камчиликларни коррекциялаш учун машқ ва топшириқлардан намуналар келтиринг.

3-топширик

Логопедик гуруҳдаги НТРнинг 3 даражасидаги болалар ҳужжатларини ўрганиш вақтида логопед болаларнинг асосий қисмида нутқнинг лексик-грамматик томонида қуйидаги камчиликлар мавжудлигини белгилади: Самолёт ўрмон учиб ўтмоқда”; “Копток стол ётибди”); Самолёт дала учиб ўтмоқда”; “Копток стол ётибди”).

1. Камчиликларнинг характерини аниқланг.
2. Бу камчиликларни коррекциялаш учун машқ ва топшириқлардан намуналар келтиринг.

4-топширик

Берилган нутқ харитасини таҳлил қилинг ва қуйидаги топшириқни бажаринг.

Логопедик хулоса чиқаринг ва уни асосланг.

Логопедик гуруҳда НТРнинг 1 даражасидаги 3-4 ёшли болалар тарбияланыпти.

Савол:

1. НТРнинг 1 даражасидаги болаларда нутқни фаоллаштиришга қаратилган 5та иш усулини ёритинг.

2. Логопедик гуруҳ тарбиячилари учун сайр вақтида тарбияланувчиларнинг пассив луғатини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар беринг.

5-топширик

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

3 ёшу 10 ойлик қизнинг логопедик хулосаси НТР 2 даража.

Тегиширишда қўйидагилар аниқланди: луғати камбағал, жумла туза олади, яққол ифодаланган грамматик қурилишининг камчиликлари мавжуд, талаффузда сирғаловчи, шовқинли, сонор товушлар бузилган.

Психомотор ривожданиши: меъёрда..

Нутқнинг пайдо бўлиши: гугулаш - 2 ойликда, гувраш -10 ойликдан, сўзлар – 1 ёшу 2 ойликдан, жумла – 2ёшу 4 ойликдан, боғланган нутқ -3 ёшу 2 ойликдан.

1 ёшу 9 ойликда қизчага нутқнинг ривожланиши сустлаишии таиҳиси қўйилган. Қизчада буйракларнинг сурункали касаллиги кузатилади, соматик жиҳатдан нимжон. Кўпинча негативизм реакцияси кузатилади, топшириқларни бажариш ёки жавоб беришдан бош тартади.

Савол:

1. Логопедик хулосанинг асосли эканлигини баҳоланг.
2. Ушбу болада нутқнинг ривожланишдаги имкониятини (прогнозини) аниқланг.

6 -топширик

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

6 ёшли НТР чапақай болани кузатиш жараёнида, унинг ижодий ишларини ўрганишда қўйидагилар аниқланди: кўчириб чизишда ва ётиштиришда (аппликация қилишда) –предметларни ойиваванд тарзда ифодалаиш, расмларни четларини чизиш ва штриховка қилишда контурдан ташқарига чиқиб кетиши, кўчириб чизишда унинг ҳажмини жуда кичрайтириши, кетма-кетлигига эътибор қаратмаслиги, эслаб қолиб чизишда расмнинг кўп қисмларини тушириб қолдириши, кузатилди, расм чизишни ёқтирмайди, расмда масалан 5та фарқларни топиш вазифаси берилса, уларнинг ярмини топади, тез чарчаб қолади, тез чалғийди, топшириққа бўлган қизиқиши тез йўқолади.

Савол:

1. Кейинчалик бу симптомлар қандай нутқ камчилигини юзага келтириши мумкин, ёзма нутқда йўл қўйиши мумкин бўлган хатолар гуруҳини кўрсатиб беринг.
2. Оптик хатоларни олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган методик қўлланмалардан мисоллар келтиринг, топшириқларнинг мақсад ва вазифаларини изоҳланг.

7-топширик

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва топшириқни бажаринг.

Болада товушлар талаффузининг полиморф бузилиши кузатилади: сирғалувчи товушларнинг тишаро талаффузи, товушларни бир-бирига алмаштириш с-ш, ч-т, р товушини ташлаб кетиш.

Савол:

1. Тиббий-педагогик тасниф бўйича нутқ нуқсонининг изоҳланг.
2. Қайси мезонлар асосида товушлар талаффузини дифференциал ташхис қилишни кўрсатинг.

8-топшириқ

Қуйидаги вазиятни ҳал қилиш бўйича логопеднинг ҳаракатларини изоҳланг.

Логопед катта гуруҳда тарбияланаётган талаффузида камчиликлари бўлган болага эътиборини қаратди ва унинг онасига бола билан логопедик машғулотлар ўтиш лозимлиги ҳақида тавсия берди. Боланинг онаси бунга эътироз билдирди ва фарзандини диктор бўлишга тайёрламаётганлигини айтди.

9 топшириқ

Берилган вазиятни таҳлил қилинг ва логопедик хулоса қилинг.

Қосимова Муяссар, 4 ёш. чизишда расмнинг кўп қисмларини тушириб қолдириши, кузатилди, расм чизишни ёқтирмайди, расмда масалан 5та фарқларни топиш вазифаси берилса, уларнинг ярмини топади, тез чарчаб қолади, тез чалғийди, топшириққа бўлган қизиқиши тез йўқолади.

Характери тинч. Шовқинга аҳамият беради. Исмини билади. Кузатуви қисқа вақтли. Гаплашганда кулоқ солади. Сўзлашувчига бир неча сония қараб туради. Гапирмайди, унли товушлар чиқаради. Ўз-ўзига хизмат қила олмайди. Чайнамай ютади. Предметларни қўлида ушлай олмайди.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзуси

1. “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли Қарор мазмун-моҳияти.

2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мактабгача таълим тизими бўйича ғоялари.

3. Нутқида оғир нуқсонга эга бўлган болалар диққати ва идрокининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг.

4. Оғир нутқ нуқсонига эга ва нутқи меъёрида ривожланаётган болалар нутқий ривожланишини тавсифлаб беринг.

5. Боланинг ақлий ривожланишини ёритадиган кўрсаткичларни аниқланг.

6. ТППКнинг ишининг мазмуни ва уни ташкил этиш.

7. ТППКнинг Низомлари ва тушунтириш хатлари билан танишинг, таҳлил қилинг.

8. Боланинг эркин мавзуга доир чизган расмларини таҳлил қилиш (расмда намоён бўладиган шахс хусусиятларини аниқлаш).

9. Мактабгача ёшидаги болаларни психологик-педагогик ташхис қилиш методлари.

10. Мактабгача ёшидаги болаларни психологик-педагогик текшириш учун материаллар тайёрлаш (текшириш альбомлари, кўргазмали қуроллар).

11. Текшириш жараёнида боланинг ҳиссий-иродавий доирасини тавсифлаб бериш. Хулосаларни кузатишдаги далиллар билан исботлаш.

12. Болани текшириш баённомаси асосида унинг диққат, идрок, хотира, тафаккур ва нутқининг хусусиятларини таҳлил қилиш.

ГЛОССАРИЙ

Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида	Изоҳ
абилитация	абилитация	habilitation	бола ёки катта кишида ривожланишдан кескин равишда орқада қолган ёки мавжуд бўлмаган руҳий ва жисмоний функцияларни, кўникмаларни ривожлантириш ҳамда шакллантириш
Психодиагностика-	Психо-диагностика	psychodiagnos- tics	шахс ва психика ривожланишининг потенциал хусусиятларини аниқлашга қаратилган муолажа.
индивидуал таълим режаси	Индивидуальный план образования	individual educational plan	индивидуал таълим дастури боланинг имконияти ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар командаси билан ишлаб чиқилади (умумтаълим мактаб педагоглари, махсус, ижтимоий ишчи, психолог, ота-оналар) ИТРнинг асосий мақсади бола ривожланиши ва таълим олиши учун оптимал шароитларни яратишдир. ИТРнинг мазмуни бошқа болалар ўтаётган дастурдан озгина фарқ қилиши мумкин, лекин бошқа болалар ўрганаётган предметлар асосида ишлаб чиқилади. ИТР аниқ мақсад ва вазифалар, муддати, қўлланиладиган усуллар ва баҳолаш тизимига эга. Бола умумтаълим стандартлари асосида дастурларни ўзлаштира олмаган ҳолатда унга маълумотнома ёки махсус шаклдаги гувоҳнома берилади.
коррек-ция	коррекция	correction	болалар ривожланишидаги нуқсонларни юмшатиш, бартараф этиш
Анамнез	Анамнез	anamnesis	шахсни ривожланиши ва касалликлари ҳамда тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар йиғиндиси нисбий миқдор ва таркибий сифати; муайян организмларнинг тарқалганлиги. Ирсий белгиларни ўрганиш ва аниқлаш инсон генетикаси, жониворлар ҳамда ўсимликлар генетикаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хозирги вақтда генофондни сақлаш муаммоси дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун долзарб муаммога айланган.

реабилитация	реабилитация	rehavilitation	беморлик, бахтсиз ҳодиса ёки бошқа сабаблар оқибатида йўқотилган руҳий ёки жисмоний функциялар, кўникмаларни тиклаш..
илк аралашув	ранее вмешательство	early intervention	ногиронлик билан бола туғилганидан сўнг бола ва унинг оиласига дарҳол ёки вақтли комплекс, яъни психологик, педагогик, ижтимоий ёрдам кўрсатиш. Турли мутахассислар командаси томонидан болага ривожланишдан орқада қолганида ёки бошқа муаммолари бўлганида уларни бартараф этиш ёки энг кам даражага тушириш учун ёрдам кўрсатилади (педагог, махсус педагог, логопед, ижтимоий ишчи, психолог, жисмоний терапевт, ота-она ва бошқалар)..
Ёш гуруҳи	Млад-шая группа	Primary group	Ёш белгисига кўра бирлаштириладиган кишиларнинг бирон бир шартли катта гуруҳи. Ёшни даврлаштиришга мувофиқ МТМда болаларнинг ёшига кўра анаънавий ажратиладиган гуруҳлар: ясли ёшдаги болалар гуруҳи, биринчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, иккинчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, катта болалар гуруҳи ва мактабга тайёрлов гуруҳи.
Инклю-зив таълим	Инклю-зивное образование	Inclusive education	Болаларни бир биридан ажратувчи тўсиқларни бартараф этишга, уларнинг ёши, жинси, диний ва ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолиши ва иқтисодий таъминланганлик даражасидан қатъий назар, умумтаълим жараёнига тўлиқ уйғунлаштиришга қаратилган давлат сиёсати.
Новер-бал муло-қот	Невер-бальноеобщение	новербал мулоқот	тана ҳолати, ишоралар, юз ифодаси, овози оҳанги, кўз алоқаси, муносабатлардаги масофа, атроф омиллари ва шароитлари, аниқлик, ишончлилиқ кабиларни ўз ичига олувчи нутқсиз мулоқот. Новербал мулоқот сезги, эмоция

			ва муносабатларни етказди. У вербал мулоқотдан кўра кўпроқ натижа бериши мумкин ва кўпинча мижоз нималарни ҳис қилаётганлигини яхшироқ кўрсатиб беради.
Мактабгача болалик	Детский дошколь-ный период	Pre-school period	Боланинг туғилганидан то мактабга боргунча бўлган ривожланиш даври; бола организмнинг жадал вояга етиши ва руҳиятининг шаклланиши билан белгиланади.
Мактабгача ёш	Дош-коль-ный возраст	Preschool age	Боланинг руҳий ривожланиш босқичи. Бола ривожланишининг ҳозирги замон миллий даврлаштирилиши бўйича 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даври.
Мактаб-гача ёшдаги бола компе-тент-лиги	Компе-тенция ребенка дошко-льного возра-ста	Competency of a pre-school age child	Мактабгача ёшдаги бола шахсининг асосий характеристикаси. Коммуникатив, ижтимоий, интеллектуал компетентликни ҳамда жисмоний ривожланиш борасидаги компетентликни ўз ичига олади. Коммуникатив компетентлик боланинг ўз истаклари, ниятларини нутқий ва нутқий бўлмаган (имо-ишора, мимик ва пантомимик) воситалар ёрдамида эркин ифода этишида намоён бўлади.
Мактабгача таълим муассаса-лари	Дош-коль-ные образо-ватель-ные учреж-дения	Preschool educational establishments	Турли йўналишдаги мактабгача таълим дастурларини амалга оширадиган таълим муассасаси. Уларда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг тарбияси, таълими, парвариши ва соғломлаштирилиши таъминланади. Йўналишига кўра мактабгача таълим муассасаси куйидаги турларга бўлинади: умумий типдаги МТМ, тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари мавжуд болалар учун мўлжалланган махсус МТМлар ва сурункали касалликлар билан оғриган

			болалар учун санатория типдаги МТМлар.
Компенсация	Компен-сация	Compensation	таълим-тарбия жараёнида соғлом сезги аъзоларига таяниш ёки қисман бузилган функцияларни қайта қуриш орқали меъёрдан чиққан анализатор ўрнини тўлдириш.
Инфантилизм	Инфантилизм	infantilism	катталарда болалар ва ўсмирларга хос бўлган психик хусусиятлар ва хулқ-атворнинг сақланиб қолиши
Интел-лект	Интел-лект	intelligence intelligence	инсоннинг умуман билиш фаолияти; фикрлаш қобилияти, тафаккури, ақли.
нутқ	речь	speech	Инсонларнинг алоқа воситаси
Мето-дика	Мето-дика	technique	бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш йўллари, методлари мажмуаси.
Фонематик идрок	Фонематиче-ское восприятие	Phonemic perception	Нутқ товушларини идрок этиш
Импрессив нутқ	Импрессивная речь	Higher education	Ички нутқ, нутқни тушуниш
Тарбияланувчилар	Воспи-танники	Pupil	Мактабгача тарбия муассасаларига борадиган болалар; меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб интернатларда тарбияланувчи болалар ва ўсмирлар мактабдан ташқари муассасаларда шугулланадиган болалар.
Тарбиячи	Воспитатель	Educator, teacher	Тарбияни амалга оширадиган, ўзга киши шахсининг ҳаёт тарзи ва ривожланиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган шахс.
Экспрессив нутқ	Экспрессивная речь	Expressive speech	Ташки нутқ, фаол нутқ
Таълим сифати	Качество образования	Quality of education	Таълим жараёни ва унинг натижаларини тавсифлайдиган категория, таълим жараёни қандай бўлиши керак, қандай мақсадларга хизмат қилиши кераклиги тўғрисида жамиятда тарқалган тасаввурларга қанчалик мослигини белгилайди. Таълим сифати таълим олувчиларнинг

			билимлари, малака ва кўникмалари, атроф-оламга ва бир бирларига нисбатан кадриЙ-эмоционал муносабатлар нормалари билан ўлчанадиган кўрсаткичлар тизимида ифодаланади.
Фармон	Указ	Decree	Бир қатор мамлакатларда давлат бошлиғининг норматив акти. Ўзбекистонда Президент фармони.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.

3. “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.

4. “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли Қарори.

5. “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.

6. “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли Қарори.

7. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

8. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017. – 102б.

10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Махсус адабиётлар

1. Аюпова М.Ю. Логопедия «Ўзбекистон файласуфлар Миллий жамияти» Т.: 2007 й.

2. Mo‘minjonova Z., Ziyayeva K., Karimova SH., Xalilova G.lar “Ona tili” yordamchi mehnat ta’limi maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Toshkent: “Artaprint” MCHJ 2005 й.

3. Нуркелдиева Д.А., Чичерина Я.Е. Илк, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни психологик, педагогик ва логопедия текшириш. Т.: Янги аср

авлоди, 2007 йил.

4. Po'latova P.M. va boshqalar. Maxsus pedagogika. T.: «Fan va texnologiyalar», 2014 y.

5. Рахманова В.С. «Махсус педагогика» Т.:“Ғ.Ғулом” нашриёти, 2005 йил.

6. Психолого-педагогическая диагностика. Под редакцией И.Ю.Левченко и С.Д.Забрамной. М., АCADEMA, 2005г.

7. John W. Jacobson, James A. Mulick and Johannes Rojahn. Intellektual and Developmental Disabilities. 2007 Springer Science+Business Media, LLC New York.

8. Рахманова В.С., Нуркелдиева Д.А. Алоҳида ёрдамга мухтож болалар ижтимоий реабилитацияси. Т.: РБИММ, 2014 й.

9. Муминова Л.Р., Чичерина Я.Е., Нуркельдиева Д.А. Диагностика психофизического развития детей первых трех лет жизни. Т.: РЦСАД, 2007г.

III. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.

2. <http://www.uzedu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.

3. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.

4. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.

5. <http://www.xs.uz> – “Халқ сўзи” газетаси сайти.

6. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.

7. <http://www.kun.uz> – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлар сайти.

8. <http://www.tdpu.uz>

9. <http://www.pedagog.uz>

10. <http://www.ziyonet.uz>

11. <http://www.lex.uz>

12. <http://www.bilim.uz>

13. <http://www.gov.uz>